

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
9-aprel
chorshanba
№ 14 (1441)

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan www.uzhurriyat.uz gazhurriyat@mail.ru t.me/hurriyatuz Hurriyat gazetasi

ЭЪТИРОФ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ:

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЭНДИ ТАРИХНИНГ ЧЕТИДА ЭМАС, БАЛКИ ЎЗ СТРАТЕГИК КУН ТАРТИБИНИ ШАКЛЛАНТИРАЁТГАН, ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН МИНТАҚАГА АЙЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Президентининг “Euronews”га берган интервьюси кўплат нуфузли хорижий ОАВ томонидан ҳам эълон қилинди

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 4 апрель кuni Самарқандда бўлиб ўтган “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” саммити олдидан “Euronews”га 1 апрель кuni берган эксклюзив интервьюси етакчи халқаро оммавий ахборот воситаларида кенг резонансга сабаб бўлди.

Кўплат хорижий босма ва электрон нашрлар ўз саҳифаларида Ўзбекистон раҳбарининг “Euronews” саволларига берган жавобларининг тўлиқ матнини турли тилларда эълон қилди ва бу билан Янги Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро кун тартибининг асосий масалалари бўйича позициясига катта қизиқиш борлигини тасдиқлади.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг интервьюси, Жанубий Кореянинг етакчи нашрларидан бири – “Diplomacy Journal” журнали, Покистоннинг “Diplomatic News Agency – DNA” ахборот агентлиги, “Daily Islamabad Post” ва “The Daily Big Digit” газеталари томонидан эълон қилинди. Бундан ташқари, мазкур интервью “Инфозакон” ва “Курсив” (Қозғистон), “Q8 Press” (Қувайт), “Индустрия Евразии” ва Коммерсантъ” (Россия) каби электрон нашрлар, шунингдек, “Theasiatoday”, “Ekoavgasya”, “Ankasam” (Туркия) онлайн платформалари томонидан тарқатилди. Шунингдек, мамлакатимиз етакчисининг интервьюси билан Туркменистоннинг “News Central Asia”

янгилеклар порталида, Украинанинг “Kyiv Diplomatic” журналида инглиз ва украин тилларида, Саудия Арабистонининг “Wkrka News”, Бельгиянинг етакчи “EU Reporter” нашрларида танишиш мумкин. Ўзбекистон Президентининг интервьюсига бўлган қизиқишни, шунингдек, Британиянинг “London Post” янгилеклар портали, Хитойнинг “Китай” журнали, Мисрнинг “Сада ал-Балад” ахборот агентлиги ва бошқа нашрлар ҳам тасдиқлайди.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлардаги ижобий динамика ҳақидаги сўзларини алоҳида таъкидлаган. Қайд этилганидек, сўнгги етти йилда Марказий Осиё мамлакатлари билан Европа Иттифоқи ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми тўрт баробар ошиб, 54 миллиард еврога етди. Бу ҳолат минтақанинг Европа мамлакатлари учун истиқболли ҳамкор сифатидаги роли ошиб бораётганидан далолат беради.

Машхур нашрлар, шунингдек, Президентимизнинг Самарқанднинг савдо, илм-фан ва дипломатиянинг тарихий маркази сифатидаги ўрни ҳақидаги фикрларига эътибор қаратган. “Унинг улғурғорлиги турли маданиятлар, халқлар ва гоъларни бирлаштира олганида, – дея Президент Шавкат Мирзиёев сўзларидан иқтибос келтирилган. – Бугун у яна Европа ва Марказий Осиё замонамизнинг асосий муаммоларини му-

ҳокама қилиши мумкин бўлган мулоқот майдонига айланмоқда”.

Сўнгги йилларда Марказий Осиёда амалга оширилган ўзгаришлар ҳам юқори баҳоланди. Нашрлар Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё минтақаси ҳақидаги саволга берган жавобдан мисол келтирган: “Сўнгги йилларда Марказий Осиё тубдан ўзгарди, янги қиёфа касб этди – конструктив мулоқот, ишонч ва ҳар томонлама ҳамкорлик майдонига айланди. Бу эса мамлакатларимиз етакчиларининг умумий сиёсий иродаси туяйли амалга ошди. Бугун биз бу жараённинг орта қайтмаслиги ҳақида ишонч билан айта оламиз”.

Ўзбекистон Президентининг афғон масаласи бўйича позициясига алоҳида урғу берилган. Хорижий оммавий ахборот воситалари давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан ёндашуви ҳар доим прагматик ва узоқ муддатли стратегик тамойилларга асосланиб келгани ҳақидаги баёнотида эътибор қаратди. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев қўшни Афғонистондаги вазият ҳақидаги саволга жавоб берар экан, қуйидагиларни таъкидлади: “Ҳозирги раҳбарият Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга, ўз ресурсларини аэропортлар, ички темир йўл тармоқлари, сув-энергетика инфрақурилишларини ривожлантиришга ва кўкнор майдонларини қисқартиришга йўналтиришга муваффақ бўлди. БМТ маълумотларига кўра, “Толибон” 2023 йилда гиёҳванд моддалар савдо-

сини тақиқлаганидан сўнг, Афғонистонда кўкнор етиштирилаётган ерлар 95 фоизга камайган. Афғонистонда кўкнордан холи келажак барпо этиш мақсадида қишлоқ аҳолисига ёрдам кўрсатилмоқда, қишлоқ хўжалигининг мўкобил йўналишлари ривожлантириляпти”.

Нашрларда таъкидланганидек, бўлажак “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” саммитининг муҳим натижаларидан бири томонларнинг стратегик шериклик муносабатларини ўрнатишга бўлган муштарак истағини акс эттирувчи Самарқанд декларациясининг имзоланиши бўлади. “Декларация нафақат эришилган келишувларни мустаҳкамлайди, балки минтақаларимиз ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш учун асос яратди, – деди Ўзбекистон Президенти. – Биз инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма инфрақурилиш лойиҳаларини амалга ошириш, инновациялар ва рақамли ечимларни кўллаб-қувватлаш бўйича аниқ келишувларга эришишдан умидворимиз”.

Нуфузли хорижий ОАВ, шунингдек, Ўзбекистоннинг конструктив мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига содиқлигини таъкидлаб, Президент Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларини иқтибос ўрнида келтирган: “Биз барқарор ривожланиш ва халқларимизнинг фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган, ўзаро манфаат ва ишончга асосланган конструктив ҳамкорлик тарафдоримиз”.

“Дунё” АА



БУГУН САМАРҚАНДДА ЖАМ БЎЛГАН ДУНЁ

Ўткир РАҲМАТ

Келажак! Нурафшон ҳикоя учун, Адолат қарорин ҳимоя учун, Урчиған зулмага ниҳоя учун, Юксак кўтарувчи бир гоё учун, — Собиитлик йўлида интилан дунё, Бугун Самарқандда жам бўлган дунё!

Ниятлар ҳолисидир, орзулар бисёр, Деганча, тинчликдан бошқаси бекор, Инсонлар заррача чекмасин озор, Ёмонлик кўрмасин бу олам зинҳор, — Собиитлик йўлида интилан дунё, Бугун Самарқандда жам бўлган дунё!

Амир Темур руҳи бўлмиш бугун шод, Муқаддас маскани озода обод, Ижобат бўлғайдир мақсади мурод, Меҳрдан манзиллар этилган дунё, — Собиитлик йўлида интилан дунё, Бугун Самарқандда жам бўлган дунё!

Тамаддун шу ердан ташлаган қадам, Маширку Мағрибни боглаган маҳкам, Нури тарихларни битганда қалам, Илму фан, маърифат, ҳикмати бекам, — Собиитлик йўлида интилан дунё, Бугун Самарқандда жам бўлган дунё!

Мирзо Улуғбекнинг нафаси билан, Шодлик келар шодон, ҳур саси билан, Улкан орзуларнинг эвази билан, Кўнғилда кўз ёрган ҳаваси билан, — Собиитлик йўлида интилан дунё, Бугун Самарқандда жам бўлган дунё!

Ғарбга ботган кўёш Шарқда бўлиб тонғ, Ошиқар Регистон дийдори томон, Қулар келгани рост чин дорилотмон, Олқишлар еру кўк, олқишлар замон, — Собиитлик йўлида интилан дунё, Бугун Самарқандда жам бўлган дунё!

Қушларнинг парвози кўкларга етар, Боглару тоғларга етди хушхабар, Кучоқ очар бунда ҳар кент, ҳар шаҳар, Минглаган дилларнинг орзуси қадар, — Собиитлик йўлида интилан дунё, Бугун Самарқандда жам бўлган дунё!

Дунёда не кечар? Маздумлик, азоб... Ёзузлик чанг солар дилларга шитоб, Бу бахтли кунларнинг ўзи минг китоб! Дўстлик байроғини кўтариб бу тоб, — Собиитлик йўлида интилан дунё, Бугун Самарқандда жам бўлган дунё!

Бу ҳикмат азалдан келган талъатдир: Бирлашган йўлларнинг зарди баланддир, Бирлашган дилларнинг қадри баландир, Бирлашган элларнинг қадди баланддир, — Собиитлик йўлида интилан дунё, Бугун Самарқандда жам бўлган дунё!

Бирлашмоқ бахш этгай албат улғу ном, Дилларда минг сурур, қалбларда илҳом, Яхшилик таширифи этади давом, Айни баҳор чоғи, кутлуг бу айём, — Собиитлик йўлида интилан дунё, Бугун Самарқандда жам бўлган дунё!

Ҳар эзгу юракни асрар Самарқанд, Ўзи асраб яна яйрар Самарқанд, Тинчлик қўшиғини куйлар Самарқанд, Бугун дун аҳлига минбар Самарқанд, — Собиитлик йўлида интилан дунё, Бугун Самарқандда жам бўлган дунё!

Сўнмас бўлсин тоқи қалблар кўёши, Баланд бўлсин элнинг қадриго боши, Фақат шуни тилар бугун Юртбоши, Олам аҳли бўлиб бугун йўлдоши, — Собиитлик йўлида интилан дунё, Бугун Самарқандда жам бўлган дунё!

Самарқанд! Юртимнинг бошидаги тоғ, Эй сен саҳий кўёш, меҳрибон кўёш, Яхшилик нурини бошлар узра соч, Тинчлик, эзгуликка мудом кучоқ оч, — Мудом эзгуликка интилан дунё, Мудом Самарқандда жам бўлсин дунё!

“Халқ сўзи” газетасининг 2025 йил 5 апрель, №70-сонидан олинди.

9 АПРЕЛЬ — СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

УЛУҒ АМИР ҚАНДАЙ ФАЗИЛАТЛАР СОҲИБИ ЭДИ?

Амир Темур — шонли тарихимиздаги мураккаб ва сирли ҳукмдорлардан бири. Унинг шахсияти ҳақида турли қарашлар мавжуд: баъзилар уни донгдор саркарда деб ҳисобласа, бошқалар теурийлар давлати асосчиси, минтақада марказлашган давлатни барпо этишга эришган қаттиққўл жаҳонгир сифатида эъзозлайди. Бироқ ҳақиқат шундаки, Темур нафақат буюк кўмондон, балки ўз даврининг улкан стратеги, давлат арбоби ва маданият хомийси ҳам эди. Улуғ Соҳибқироннинг шахсий фазилатлари, табиати ҳамда сифатлари ҳақида шу вақтга қадар қанчадан-қанча битиклар, ҳикоятлару афсоналар ёзилмаган дейсиз.

3-6



10 АПРЕЛЬ — АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

ТИРИК ХОТИРАЛАР

Маълумки, ўзбек адабиётининг улкан намоёнаси, ўзбек романчилигининг улғу дарғаси Абдулла Қодирий 1894 йилнинг 10 апрелида Тошкент шаҳридаги “Қатта бог” маҳалласи (ҳозирги “Эшонгузар”)да таваллуд топган эди. Ёзувчининг “Уткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари, “Обид кетмон”, “Ғирволик Маллабой”, “Хотинбоз”, “Бахтсиз кўёш”, “Миллатимга”, “Ёвуз рухлар исканжасида” ва бошқа кўплат асарлари, юзлаб фелетон ва ҳажвиялари адабиётимизнинг бебаҳо мулкига айлангани сир эмас. Буюк адиб қатагон қурбонига айланган.

Жирканч ёлгонлар ва ҳасадгўйлик оқибатида 1937 йилнинг 31 декабрида у “халқ душмани” сифатида ҳибсга олинди. 1938 йилнинг 4 октябрь кuni ёзувчи бегуноҳ бўлса-да, отиб ташланди. Қаттол сиёсат улғу адибнинг барча яқинларига-да тинчлик бермаган. Ёзувчининг фарзанди Ҳабибулло Қодирий ҳам туҳматлар билан 1945 йил 28 май кuni қамоққа олинди. У Сталин ўлимидан кейин 1955 йилнинг февралда Тошкентга қайтди. Бу аччиқ ҳақиқатларни халқимиз бугун жуда яхши билади. Лекин Абдулла Қодирий 1956 йил 9 октябрда расман оқланган бўл-

са-да, унинг отиб ташланганлиги ҳақидаги маълумот (ўлимидан сўнг оқланганлиги ҳақидаги маълумот каби) узоқ йиллар сир сақланган! Фақатгина юртимизда мустақиллик эълон қилинган-дан кейингина Абдулла Қодирий сиймоси тўлиқ намоён бўлди, барча аччиқ ҳақиқатлар очиб ташланди. Бетақорор ва ҳақиқий миллатпарвар бўлган ёзувчининг асарлари ҳар йили минг-минглаб нусхаларда чоп этилмоқда. Улуғ сиймонинг порлоқ хотираси абадийлаштирилиб, Ватанимизда ҳайкаллари ўрнатилди, адиб уй-музейи, ижод мактаби ташкил этилди.

Яхши биламизки, Абдулла Қодирийнинг ўғли Ҳабибулло Қодирий ҳам шифокор ҳамда ёзувчи эди. Шу боис уни нафақат улғу адибнинг фарзанди сифатида, балки “Отан ҳақида”, “Қодирийнинг сўнгги кунлари” каби асарлари орқали юртдошларимиз чексиз қадрлайди.

Ҳабибулло Қодирийнинг “Кундалик хотиралар”и аввал ҳам нашрдан чиққан эди. Унинг фарзанди Шеркон Қодирий зарур изоҳ ва иловалар билан тўлдирди, айрим тарихий маълумотларга аниқлик киритиб, далиллар билан боийтган ҳолда ушбу манбанинг иккинчи нашрини тайёрлади. Кuni кеча ушбу китоб “Тирик хотиралар” номи билан “Иқро” нашриётида чоп этилди.


Китобдан қодирийшунослик учун муҳим бўлган “Томоша” номли ҳужжатли асар ва тарихчи олим Абдор Хидировнинг тадқиқий мақоласи ҳам ўрин олган.

Буюк адибнинг ўғли Ҳабибулло Қодирий томонидан ёзиб қолдирилган ушбу “Тирик хотиралар” муқаддимаси шундай бошланади. У айрим жузуйи қисқартирилган билан қуйидагича:

“Мен қарийб ўн йилдан буён ишлаб келаётган Тошкент шаҳар 10-сон шаҳар касалхонасида Қошифа Зокировна Аҳмедова деган даволовчи шифокор бор. Ўзи менга тенгдош, таъар миллатидан бўлса ҳам жуда ўзбеклашиб кетган...”

Қошифа опа менга уч-тўрт йилдан бери: “Сизнинг қўлингизда қаламингиз бор, кундалик дафтар тутинг, кундалик ҳаётимизни ёзиб боринг, сиздан кейин болаларингиз ўқиб улардан хабардор бўладилар ва тегишли хулоса чиқарадилар”, деб келар эди...”

Қошифа опанинг тақлифига бошида “Ҳа, ҳў, ана-мана ёзишни бошладим (ғарчи бошламаган бўлсам-да)”, деб келардим. Опа менинг жавобимдан қувониб: “Баракалла, Ҳабибулла Абдуллаевич, бу ишингиздан сира зиён кўрмайсиз...” — дерди.



1922 йил. Абдулла Қодирий ўғли Ҳабибулла билан.

Ёзмаган кундалигим билан опани қувонтириб юришим, бора-бора мени кўркувга сола бошлади. У бир кuni кундалигимни кўрсатишимни илтимос қилиб қолса-я, деган андиша қўнғилдан тез-тез ўта бошлади. Чор-ночор 1973 йил 20 октябрдан ушбу кундаликни ёза бошладим...”

Газетамизда ушбу китобнинг айрим саҳифаларини эълон қилаётганимиздан бахтиёримиз. Улуғ адибларимизнинг руҳи шод бўлсин!

7-6

ФАОЛИЯТ

ИНСОН ҚАДРИ ҲАММА НАРСАДАН УЛУФ

— дейди Президент халқ қабулхонаси Наманган шаҳар бўлими раҳбари Ҳасанбой ҚОСИМОВ

Халқ қабулхоналарини адолат даргоҳи деб билиб мурожаат қилувчилар сони бугун ҳам кам эмас. Ҳар бир фуқаро мурожаати замирида кимнингдир, кимлариндир тақдири, улар дучор бўлаётган ҳақиқатсизлик борлигини ўйласак, бу ташвишли ҳолатдир. Аммо масаланинг ижобий томони ҳам бор. Фуқаролар адолат кидириб, моддий ва маънавий муҳтожликларини бартараф этиш истигада халқ қабулхоналаридан нажот излаб келиши ва бу даргоҳда тажрибали ва билимли мутахассислар томонидан арзларига қониқарли ечим топаётгани эътиборга молик иш.

Президент халқ қабулхонасининг Наманган шаҳар бўлими Наманган шаҳар Давлат хизматлари биносининг иккинчи қаватида жойлашган. Бу идорага расмийлик бегона. Ҳатто раҳбарнинг котиби ҳам йўқ. Ҳасанбой Қосимов хузурига бемалол кираверасиз.

Халқ қабулхонаси Наманган шаҳри бўлими раҳбари Ҳасанбой Қосимов хузурига келган фуқарони обдан тинглайди. Ваколати доирасидаги масалаларни тезкорлик билан ўзи ҳал қилади. Қолганларини эса назоратига олиб, юқори идораларга ҳавола этади. Яна телефон орқали уларнинг эътиборини шу масалани ҳал этишга қаратади. Зеро, арз қилувчи фуқаро сарсон бўлмасин, масаласига ечим топсин.

— Узоқ йиллик тажрибамдан шунинг аниқлиги, аризадини сабр-тоқат билан ҳолис туриб тинглашнинг аҳамияти катта, — деди Ҳасанбой Қосимов. — Адолатсизликка учраган фуқаро идорама-идора ҳақиқат излаб ҳар эшикка бошини ураверганидан, асаблари таранг бир ҳолатга келиб қолади. Шундай пайтда биз мурожаатчи фуқароларни обдан тинглаб, масаланинг илдинини, муаммонинг



сабабларини аниқлаб олишимиз муҳим. Наманган шаҳрида 384 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 2025 йилнинг 3 ойида халқ қабулхонамизга 2 минг 145 та мурожаат келиб тушди. Бу рақам ўтган йилнинг шу давридаги миқдордан 35 тага кўп. Шунга қарамай, мурожаатларнинг 835 таси ижобий ҳал этилгани аҳамиятлидир.

— Ўтган уч ойда Наманган шаҳридан пойтахтга Ўзбекистон Республикаси Президенти қабулхонасига мурожаат билан борганлар сони ҳам кескин камийибди, бунга қандай омиллар сабаб бўлди, — деб сўрадим суҳбатдошимдан.

Муваффиқ айтишича, мамлакатимизда маҳалла институтининг жамиятдаги роли ортиб бораётганлиги, “хонадонбай” иш ташкил этилганлиги, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури амалга оширилаётгани муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш баробарида, айниқса, моддий муҳтож оилаларнинг ёрдам сўраб қиладиган мурожаатларини ижобий ҳал

этишга имкон бермоқда.

Мурожаатлар юзасидан ўн бешта маҳалла фуқаролар йиғинларида ўрганиш олиб борилди. Ўрганиш жараёнида 23 та муаммодан 14 таси жойида ижобий ҳал этилди.

Масалан, йил бошида Наманган шаҳар Зафар кўчасида яшовчи Умар Собиров қарамоғида икки нафар фарзанди борлиги, рўзгор тебратиш учун ишга жойлашиш кераклиги учун ёрдам сўраб қабулхонага келди. Саховатли тadbirkorлар билан ўзаро ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилгани ҳам қўл келмоқда. “Сардоба” маҳалласидаги тadbirkorлардан бири уни ишга олди.

Шу йилнинг 24 февраль куни ҳам-шахримиз Отабек Бойхонов сўғурта компаниясидан 14 миллион сўм маблағини қайтариб ололмаётганидан ранжиб мурожаат қилган. Халқ қабулхонаси аралашуви билан ўша куннинг ўзида маблағ тўлиқ қайтариб берилди.

Шаҳарнинг Кўзагарлик кўчасида

яшовчи Саломат Бойхонова эса бир йилдан буён гуруҳ бўйича ногиронликка чиқа олмаётгани сабаб қилган шикоят ҳам қаноатлантирилди.

Иккинчи гуруҳ ногирони Зокир Охунов ва турмуш ўртоғи жарроҳлик амалиётига муҳтож бўлса-да, маблағи йўқлигидан зориқиб мурожаат қилган. Уларга республика Онкология марказига ордер олиб беришга ёрдам кўрсатилди.

Яқинда Наманган шаҳрида қувончли воқеалардан яна бири содир бўлди. Ёлғиз она Дилшоода Одилова қарамоғидаги икки фарзандининг бири иккинчи гуруҳ ногирони эканлиги, унинг уй-жойи йўқлигидан нолиб мурожаат қилди. У саховатли кишилар кўмағида «Элобод Сити» мавзесидан уй-жой билан таъминланди.

Айрим ташкилотларда фуқаролар мурожаатларига қонун талабларига қўра белгиланган тартибда иш олиб берилаётгани аниқланмоқда. Хусусан, Наманган шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Ш.Турғуновага Халқ қабулхонаси томонидан қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабабларини ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилган эди. Бўлим бошлиғи Ш. Турғунова тақдимномани жамоада атрофлича муҳокама қилмай, ҳўжакурсинга маълумот учун расмий жавоб ёзади. Халқ қабулхонаси ходимларининг қўшимча кўрсатмаси билан тақдимнома қонунда кўрсатилган тартибда қатъий муҳокама қилинди. Айбдорлар интизомий жазога тортилди.


Албатта, бундай мисолларни санайверсак, мисоллар, рақамлар саҳифаларга сиймаслиги мумкин. Муҳими, Халқ қабулхоналари одамлар ўзларининг мурожаатларига ечим топаётган даргоҳга айланибди.

Дилмурод ҚИРГИЗБОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

ҲАЙРАТ

Буюк Британиянинг энг қадимий босма нашрларидан бири — “The Times” газетасида “Прю Лит: 85 ёшда Ипак йўли бўйлаб саёҳатим” сарлавҳали мақола чоп этилди.

Нашрда британиялик таниқли ёзувчи Прю Лит Ўзбекистонга қилган уч ҳафталик саёҳати таассуротлари ҳақида муштарийларга хикоя қилиб берган.



Британиялик ёзувчи Прю ЛИТ:

Ўзбекистон бўйлаб сафарим
ҳақиқатан ҳам мен учун умр бўйи
татийдиган саёҳат бўлди

Эътиборлиси, муаллиф Ўзбекистонга саёҳатининг илк дақиқалариданоқ очиклик ва меҳмондўстлик муҳитини ҳис қилганини таъкидлаган. “Ўзбекистонлик чегарачи бизни пайқаб қолчак, дарҳол ёрдамга шошилди. Бундай муносабат бутун Ўзбекистон бўйлаб саёҳатимизга ўзига хос кайфият улашди. Самимийлик, бошқаларга ёрдам беришга тайёрлик, ҳушчақчақлик каби чин инсоний фазилатларни барча жойда ҳис қилдик”, — деб ёзган у.

Муаллифга қўра, қўлаб британияликлар сингари у ҳам аввал Ўзбекистонни ҳаритада ҳам кўрсата олмаган ва юртимизда форс, юнон ва рус цивилизациялари уйғунлашганини билмас эди. Аммо Хива, Бухоро ва Самарқанд каби шаҳарларимиз унга жуда жозиба туюларди.

Маълум қилинишича, британиялик ёзувчининг саёҳати Хива шаҳридан бошланган. Ва у турмуш ўртоғи билан Ичан-қалъа ичида жойлашган “Ферузон” меҳмонхонасига жойлашган.

“Ушбу меҳмонхона бир вақтлар мадраса бўлган ва бу ерда таҳсил оладиган талабалар яшаган жойлар ўрнига замонавий, шинам хоналарга эга меҳмонхона бунёд этилган. Биз учун шаҳарнинг асосий диққатга сазовор жойи Хиванинг энг машҳур икки минорасидан бири, қурилиши тугалланмаган Қалта Минор бўлди. 1852 йилда минорани қуришга буюруқ берган Амин хон вафот этганидан кейин унинг қурилиши тўхтаб қолган. Сиз охиригача тугалланмаган минорага чиқиб шаҳарни томоша қилишингиз мумкин.

Муаллиф Хивадаги саёҳатини яқунлаб, Бухорога отланганини, йўлда эса қовунларни татиб қўганини ва уларнинг тилини ёрар даражадаги ширин таъмини алоҳида қайд этган.

Прю Лит Бухоронинг диққатга сазовор жойлари — Лаби Ҳовуз майдони, Насриддин афанди ҳайкали, Мир Араб мадрасаси, Калон масжиди ва минораси, Арк қалъаси ҳақидаги тарихий маълумотларни

ўқувчилар эътиборига тақдим қилган.

“Бухоро ўзининг салқин, ёпиқ, гумбазли бозорлари билан машҳур. Бу ерда заргарлик, ёғоч ўймакорлиги буюмлари, ипак, гилам, кийим-кечак ва барча турдаги озиқ-овқат бозорларини учратишингиз, барча жойда сувенирларни харид қилишингиз мумкин”, дейди у.

Британиялик саёҳатчи журналист Бухорода таниқли миниатюрчи ва хаттот Давлат Тошев устaxonаси билан танишганини ва у ердан иккита миниатюра асарларини харид қилганини ёзган.

Мақолада ўзбек миллий таомлари тарихига алоҳида ўрин берилган.

“Биз Бухородан чиқиб, Буюк ипак йўлининг маркази, романтиклар, шоирлар ва саргузаштларни ҳў кўрадиганларни ўзига оҳанрабодек тортадиган, Александр Македонский Роксанга ошқ бўлган шаҳар — Самарқандга бордик. Лекин Самарқанд нафақат романтик шаҳар, балки XIV асрнинг иккинчи ярмида Марказий ва Ғарбий Осиёнинг улкан ҳудудига ҳукмонлик қилган Амир Темур мамлакатини пойтахтидир.”

Материалда Самарқанд шаҳридаги қадимий обидалар, хусусан, Амир Темур мақбараси, Регистон майдони, Шоҳизинда ансамбли ва бошқа қадимий мажмуалар ҳақида ҳам таъкидланган.

Бундан ташқари, муаллиф Тошкент ва Фарғона vodiysi бўйлаб қилган саёҳатини алоҳида эътироф этган.

“Ўзбекистон ҳудудларининг қадимий архитектураси, шаҳарсозлик тажрибаси, боғлар, ўзбек рассомчилиги ва кулчилик мактаби менда қўқур таассурот қолдирди. Бу ҳақиқатан мен учун умр бўйи татийдиган саёҳат бўлди. Шунингдек, мен 85 ёшимда ҳам уч ҳафта давомида экскурсиялар ва саёҳатларга дош бера олганимдан жуда хурсандман”, — деб ёзган Прю Лит ўз хулосасида.

“Дунё” АА,
Лондон шахри

ШУКУҲ



ҚАДРИЯТЛАРИНГ БОҚИЙ БЎЛСИН, НАВРЎЗ! ёхуд Бибиҳоним ЎзЖОКуда



Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, Наврўз умумхалқ байрами сифатида аҳиллик, бирдамлик, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатларни кучайтириш ва одамларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, тинчликпарварлик, миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Бугун Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳудудида йиғилганлар яшариш ва янгилашни айёми бўлган Наврўзи олам — асл миллий ва ардоқли байрам завқларидан ғоят шодландилар.

Университет ҳовлисидаги миллатнинг чин ватанпарвари, ҳақиқат ва катъият бобида тоғдек саботли олим, журналистлар ва тилшуносларнинг устози, раҳматли Омонилла Мадаев номи билан аталган мўъжазгина богда Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори Абдусамид Кўчимовни миллий либосларда бир-биридан гўзал, кўзларидан ёшлик ва қувонч балқиб турган йигит-қизлар қуршо-вида учратдик.

Тантанга келган меҳмонлар ўн беш давлатнинг миллий бурчақлари, халқ уйинлари,

куй-қўшиқлар, оҳанглар сеҳридан гулгун ёниб рақсга тушаётган ёшларга қараб завқ олишайти.

Университет ректори, профессор Шерзодхон Қудратхўжанинг табрик сўзлари олқишлар билан кўтиб олинди. Бог тўридаги қошона саҳнага маликаларга хос шоҳона либосда қизлар эъзозиде теурий малика Бибиҳоним кириб келди. Соҳибқирон Амир Темур сиймосида саҳналаштирилган кўринишлар намойиш этилди. Қарсақлар, гулдурос қарсақлар, ҳайратли нигоҳлар...

Бу йил университетнинг файзли боғи ўртасига икки тул гулжум ҳам экилибди. Гулларга бурканган, гулжумлари бор бу боғлар бағрида эзгу ниятли инсонларни бирлаштирувчи Наврўзлар, байрамлар ўтиши нақадар ярашқили!

Зиё нурлари балқиб турган бу даврада Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ артисти Муножот Йўлчиева ижросида ажойиб куй-қўшиқлар янгради.

Дорифундуна ўтган Наврўз шукуҳига бағишланган маънавий-маданий тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби Шерзод Асадов иштирок этди.

Гавҳар ДИЛМУРОВА

ТАЖРИБА

ЎЗИГА ХОС ИЖОДИЙ КЎПРИК

Кўряпмиз, кузатяпмиз, кейинги етти-саккиз йил ичида Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан, айниқса, минтақамиз давлатлари билан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалалар бўйича олиб бораётган ўзаро ҳамкорлик алоқалари кўпчилиكنи қувонтирмоқда. Шунингдек, ушбу жараёнинг оммавий ахборот воситаларида изчил ёритилаётгани алоҳида таҳсинга лойиқ.

Шу маънода “Фарғона ҳақиқати” газетаси ижодий жамоасининг ибратли тажрибаси ҳориклиқ ҳамкасбларимизда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Масалан, Корея Республикасининг Сеул шаҳри, Хитой Халқ Республикасининг Шаньдун провинцияси, Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Жидда, Россиянинг Санкт-Петербург, Ҳиндистоннинг Дехли, Мисирнинг Қоҳира шаҳарлари, Қирғизистоннинг Боткен, Тожикистоннинг Сўғд вилоятида чоп этилган тақрирлар ижодкорлари билан ўрнатилган ҳамкорлик географияси янада кенгайиб бораётир. Бу каби ахборот алмашинуви, тажриба ўрганиш ҳамда биргаликда газеталарнинг қўшма сонларини чоп этиш анъанаси нафақат давлатлар, балки халқлар ўртасидаги маънавий алоқаларни ҳам мустаҳкамлаш йўлида ўзига хос кўп-рик вазифасини бажармоқда. Асосийси, мамлакат, вилоят, шаҳар-туманлар аҳолисининг тарихи, маданий мероси, миллий анъана, урф-одатлари ҳам шу тарзда тарбиот этиляпти.

Ҳабарингиз бор, шу йилнинг 31 март куни кўхна Хўжанд шаҳрида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари раҳбарлари иштирокида дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлиكنи кенгайтириш масалаларига бағишланган олий даражадаги уч томонлама саммит бўлиб ўтди. Бу тарихий учрашувда, таъкидлаш керакки, учта қўшни республика халқлари ҳаётига бевосита дахлдор қатор сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий масалалар муҳокама қилинди, фойдала ҳужжатлар



имзоланди.

Шу маънода, жорий йилнинг 4 апрелида Ўзбекистоннинг Фарғона, Қирғизистоннинг Боткен, Тожикистоннинг Сўғд вилоятлари газеталарининг қўшма сонлари чоп этилгани юқорида биз мамнуният билан таъкидлаётган унутилмас саммитта ҳамкасбларимизнинг тезкорликда тайёрлаган ҳозиржавоб тўхфаси бўлди, десак янглишмаймиз. Эътиборлиси, “Фарғона ҳақиқати”, “Ҳақиқати Сўғд”, “Боткен тани” нашрларида учта вилоятда кечаётган жараёнлар ҳақида ўзбек, тожик, қирғиз журналистларининг бир саҳифадан мақолалари эълон қилинди.

Бу ибратли тажрибани яна давом эттириш нияти борлигини айтар экан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, республика Журналистлар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими раиси, “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” тахририятлари МЧЖ директори Муҳаммадхон Обидов яқинда фарғоналик журналистлардан иборат делегация иштирокида Туркияга ижодий сафар уюштирилаётгани ва Бурса шаҳрининг бош нашир бўлмиш “Олой” газетаси тахририяти билан ҳам қўшма сон чоп этишга келишилганини маълум қилди.

Уйлаймизки, бундай ижодий ҳамкорлик алоқалари, чин маънодаги борди-келди, саломаликка йўғрилган тажрибадан бошқа ОАВ учун ҳам жиддий сабоқ, намуна бўлмоғи керак.

Норқоби: ЖАЛИЛ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ОЛИМЛАР ҲОМИЙСИ

1-6

У қаерники фатҳ этса, ўша заминдаги соҳиби илмларни — олимлар, меъморлар, хунармандлар, санъат намояндаларини ўзи билан Самарқандга олиб келарди. Илм аҳлини ўз ҳимоятига олиб, уларни қўллаб-қувватлар, ташаббус ва ғояларини рағбатлантирарди. Унинг даврида мамлакат гуллаб-яшнади, раият бахтли ва саодатли умргузаронлик қилди. Зеро, ҳукмдор қадами етган жойда адолат ўрнатди, у ерни обод ва гўзал манзилга айлантирди.

Ибн Арабшох (тўлиқ исм-шарифи — Шаҳобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн АбдуллоҳибнИброҳим) ҳам ўз замонасининг етук алломаларидан эди. Искандари соний уни Шомни истило қилиб ўзи билан пойтахтга олиб келганида, бўлғуси олим 12 ёшда бўлган. Ёш бўлишига қарамай, ўткир зеҳниятли Дамашқ ўғлони ҳукмдор диққатини қозонган. Бола Самарқанднинг энг олд мадрасаларида ўқиб, ўз даврининг етук олимларидан сабоқ олди. Дунё кездеи ва пайти келиб аллома бўлиб етишди.

Тарихчиларнинг қайд етишича, Амир Темур пойтахтга ўз соҳасининг энг илғорларини, билимдонларини жам қилганди. Унинг вафот етиши билан теуеирий шахзодалар ўртасида тахт учун кураш авж олиб, ўзаро низо олови аланга олади. Кўплаб олимлар бу ерни тарк этиб, ҳар тарафга кетиб қоладилар. Чунки уларни ўз ҳимоясига оладиган, гавҳардек асраб-авайлайдиган зот бу оламини тарк этганди. Ибн Арабшох ҳам узоқ ўлкаларга кетди, умрининг охирида Қоҳирада кўним топди. У ўнлаб асарлар ёзди. Улуғ муаррих “Ажойиб ул-мақдур фи ахбори ат-Таймур” (Амир Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари) асарида Мовароуннаҳрда XIV аср иккинчи ярми ва XV аср бошларидаги сиёсий жараёнларни ёритиш билан бирга Соҳибқироннинг сифатлари ва ўзига хос табиятига кенг уруғ беради.

Ўқорида таъкидланганидек, аллома ҳукмдорга замондош бўлиб, уни яқиндан кўрган, фазилатларидан яхшигина хабардор бўлган. Ибн Арабшохнинг гувоҳлик беришича, Темур оқу қизил юзли, узун бўйли, паҳлавонлардек катта жуссали (елкалари кенг), бармоқлари йўғон, икки кўзи бамисоли икки шамдек — изтиробсиз, вазмин киши бўлган. Салобати-ю озови киши юрагини ваҳмга солган. У ҳазил-мазаҳни ва ёлғонни, ўйин-кулги ва кўнгулхушликни хушламаган. Муваффақиятсизликдан руҳан синганини ёки муваффақиятдан беҳад шодланганини ҳеч ким кўрмаган. Унинг мажлисида ҳар ким ҳаддини билиб ўтирган, ҳатто манаман деган саркардалар, вазиру вузаролар ҳам амир ҳузурида тилларига эҳтиёт бўлиб ўтирганлар. Бу даврада бузғунчиликка даъват, ҳавойи сўзлар, ҳақорат, хунрезлик ва талончилик ҳавасидаги айтилган ҳар қандай гап эгасини нима кутишини ҳамма яхши билган. Қабулда ва зиёфатда бўлган элчилар ҳам ўз хотиротларида ушбу давраларнинг файзи ва таровати ҳақида илиқ сўзларни ёзиб қолдирганлари бежиз эмас.



“ДУШМАН ЭЛЧИСИ ЎРНИНИ БИЛИБ ЎТИРСИН!”

1404 йили Руй Гонсалес де Клавихо Кастилия ва Леон қироли Энрике III де Трастамар топшириғи билан Самарқандга элчилик миссиясини амалга оширади. У ҳам Темур билан бир неча марта учрашган, суҳбатлашган ва унинг иноятига ноил бўлган. Клавихо Амир Темур саройида кўрган-кечирганларини қозоғга туширган ва бу кўлэмзалар кейинчалик “Кундалик” номи билан китоб ҳолида чоп этилган. У ўз кундалигида салтанатнинг ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий аҳволи, одамлар турмуши, урф-одатлари, Соҳибқироннинг бунёдкорлик ишлари, унинг бошқа мамлакатлар билан ўрнатган муносабатлари, сарой тартиб-таомиллари, ҳукмдорнинг яқинлари — хотинлари, келинлари, фарзандлари ва неваралари тўғрисида маълумотлар келтирган. Аждодларимиз хорид маълакатларини умумий маънода Фаранг, Фарангистон деб муболага қилгани сингари, Клавихо ҳам бу ўлкани Мовароуннаҳр эмас, Татарлар салтанати деб янглиш талқин қилади. Шунга қарамай, биз унинг асари орқали ўша давр тарихига оид қимматли маълумотларни ўқишга муваффақ бўламиз.

Клавихо 1404 йилнинг сентябрида улуғ амир саройида элчилар шарафига берилган зиёфатни хотирлар экан, икки киши аранг кўтарган идишларда олиб келинган гўшларнинг мўл-кўллигидан ҳайратга тушади. У айрим ноз-неъматларни шу ерга келиб кўрган, мевалар ва тилни ёрар

қовунлар мазаси бир умр оғзида қолганини айтади.

Элчиларнинг ҳар бирини ҳукмдор ўнг тарафидаги супада ажратилган зиёфат дастурхонига икки нафар мирзо етаклаб борган. Элчиларга уларнинг дипломатик миссияси ва ниятига қараб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилган. Масалан, Хитой императори Чуйсхон (Юнлэ) элчилари орқали йўллаган номасида Амир Темурга “ўғлим” дея мурожаат қилиб, ундан Мин салтанатига бож тўлашини талаб қилганди. Аввало, улуг амир ёш жиҳатидан императордан катта бўлиб, дипломатик муносабатларга кўра хат камситувчи мазмунга эга эди. Аслида, Темур салтанатининг қудрати униқидан ортиқ бўлса ортиқ эдики, асло кам эмасди. Чинағой улуси эса ўзига ниҳоятда бино қўйган бадхулқ Чуйсхонни “Тўнғизхон” деб майна қиларди ва уни тахтга нолойиқ деб ҳисобларди.

Зиёфат чоғида Фу Ан бошчилигидаги хитойлик элчиларнинг бошқалардан юқорида жойлашганига кўзи тушган Соҳибқирон: “Душманим йўллаган элчилар ўринларини билиб ўтирсин, уларни испаниялик ва бобиллик элчилардан қуйига ўтказинг”, деб амр этади. Клавихо, шунингдек, ҳақонғир уни ўз суҳбатига аржуманд этган кишиларга яқинидан жой кўрсатганини, ўз олдига қўйилган тансиқ таомларни улар билан баҳам кўрганини қаламга олган. Фаранг юртларида ҳукмдорларнинг қўлларини ўпиб, эҳтиром кўрсатиш, мулозамат қилиш ва сертакаллуфлик одати бор. Аммо Темурбек Аллоҳнинг бир ожиз бандаси сифатида элчиларга қўлини ўпишга изн бермайди.

УЛУҒ АМИР ҚАНДАЙ ФАЗИЛАТЛАР СОҲИБИ ЭДИ?

У ошириб-тошириб айтилган сўзларни, ҳамду саноларни эшитмаган, дарҳол суҳбатдошидан мақсад-муддаюни сўраган.

АЙТИЛГАН СЌЗ — ОТИЛГАН ЎҚ

Иккипаниш инсонга хос фазилат. Аммо улуг аждодимиз ҳар бир қарорда собит бўлган. У ҳар қандай масалага обдан ўйлов билан ёндашган, сўнг ҳукм чиқарган. Айтган сўзини эса қайтиб олмаган. Чинакам ҳукмдорларга хос қатъияти ва бир сўзлилиги бор эди. Суҳбатдош бўлганлар унинг ўта синчков, зийрак бўлганлигини, юз ифодаси ва кўз ишораларини ҳам эътибордан қочирмаганлигини айтишади. Табиат инъом этган фаросати-ю заковати билан ростгўй ёки риекор одамни ажратиб оларди. Дуч келган одамга ишониб кетавермас, ўша одамдан ўз сўзига инкор этиб бўлмас далил талаб қиларди.

Табиатан масхарабоз одамлар унга ёқмаган. Ўз ишида, қасбида фазилат кўриб, унда янгиликлар қилган одамларга ихлос қилган. Фикрларига, тақлифларига қлоқ тутган. Ўз фикрини пешлаш, ақлини чархлаш мақсадида шатранж ўйнаган. Тарихга оид китоблар, пайғамбарлар, авлиё-ю анбиёлар қиссалари ва сиёсатга оид китобларни ўқишни қанда қилмаган.

“ҚАДРИМНИ БИЛАДИГАН ЗОТ ДУНЁДАН ЎТДИ...”

Ўқорида таъкидланганидек, Амир Темур зиёли кишиларни, олиму донишларни қадрлаган. Фурсат топди дегунча уларни мунозараларга чорлаган. Улаомлар ҳам улардан кўп иззат-икром кўрганлар. Венгер олими Ҳерман Вамбери “Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи” китобида Амир Темур давлат тузишда Чингиз ясқларига (қонун) асосланганини ва ислоний эмас, аскарый давлатга таяниб хато қилмаганини ёзади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, олимларга ва дин улаомларига чексиз эҳтиром кўрсатса-да, уларнинг давлат ишларига аралашиларига, марказий ҳокимиятга ўз таъсирларини ўтказишга йўл кўймаган.

Келиб чиқishi тунислик бўлган тарихчи Ибн Халдун Амир Темур Шомга юриш қилган йили у билан учрашган ва бир неча марабаба ҳамсуҳбат бўлган. У Мисрнинг буржуй мамлуқлари султони Фараж номидан амирга элчи бўлиб боради. Шом ва Миср халқи Мовароуннаҳр деган мамлакат ҳақида

✓ ЮРТ ЖАМОЛИ

Инсоният ўтмишини кузатиб шундай хулосага келиш мумкинки, иқтисодиётдаги муваффақиятлар маърифат ва маданиятнинг юксак даражада эканлигидан далолат-дир ва айни пайтда иқтисодиётни ривожлантирмай, илмий-маърифий юксакликларга эришиб бўлмас экан. Бу жўнгина фикрга иқдор бўлмоқ учун ҳам иқтисодиёти, ҳам маданияти тараққий этган мамлакатлардаги иқтисодий ва маърифий манзараларни кузатишнинг ўзи кифоядир. Чунки эҳтёжни қаноатлантирадиган даражада турли илм ва билимларни эгаллаш учун маблағ керак. Уст-бош ва дастур-хондан ортиб қоладиган миқдорда маблағ тўплаш учун эса унумли ва самарали меҳнат қилмоқ лозим. Назаримда, мамлакатимизда маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларининг халқаро экспертлар томонидан эътироф этилаётган даражада ўсишининг асосий сабабларидан бири жамиятимиздаги маънавий янгиланишдир.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йиллар давомида халқимизнинг маърифий, маданий, илмий салоҳиятини жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун сарф қилинаётган маблағларни кўз олдимизга келтирсак, ҳар қандай ҳисобдоннинг ҳам бошини айлантириб юборадиган рақамларни кўраимиз. Энг муҳими, бундай бекиёс харажатлар ҳозирданок ўзининг ижобий самараларини бермоқдаки, бунди спорт соҳасидаги юксалишлар мисолида кўриб турибмиз.

Баҳодир Жалолов — оғир вазн тоифасидаги профессионал боксчи. Ўзбекистон Республикаси халқаро тоифадаги спорт устаси, икки карра Олимпия ўйинлари чемпиони, икки карра жаҳон чемпиони. У Ўзбекистон байроғини олам узра кўтарган инсон. “Ўзбекистон ифтихори” ордени соҳиби. Тўғри, дунёда полвонлар кўп, аммо уларнинг ҳеч бири Баҳодир Жалоловга бас кела олмайпти! Кўз тегмасин!

Энг муҳими, бу каби жадал суръатлар билан юксалаётган ютуқларнинг салмоқли одимларини, маданият ва



спортга берилаётган катта эътиборни мамлакатимизнинг марказида ҳам, олис вилоят ва туманларида ҳам яққол кўриш, кузатиш мумкин. Ана шундай гуркираб ривожланаётган музофотлардан бири Денов туманидир. Истиқлолимиз миллий мафкурамиз қарор топишига кенг йўл очиб берди. Унинг томирлари эса кўп минг йиллик тарихга эга бўлган қадриятларимиздан озиқланади.

Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшаси сингари Денов ҳам фахрланса арзийдиган зафарли ўтмишга эга. Археолог ва тарихчилар манбалар ва моддий топилмаларни ўрганиб, Денов шахри ва теаварқ-атроф бундан икки-уч минг йил илгари ҳам ривожланган ҳудуд бўлганлигини асослаб бердилар. Ҳа, боболаримиз маърифат, маданият, иймон ва эътиқодда беназир одамлар бўлишган.

Деновнинг тарихини айтаверсак, катта бир дoston бўлади. Шаҳарнинг қоқ марказида бундан олти юз йил илгари қурилган Саййид Оталиқ мадрасаси турибди. Рўпарасидаги эгиз обидани ўтган асрнинг йигирманчи йилларида шўро жангарилари “эскилик сарқити” сифатида бузиб, олти юз йилдан бери қилт этмай турган пишиқ гишларни бўлмағур мақсадлар учун ишлатиб юборишган. Аммо ҳозир гап бу ҳақда эмас, балки хайрли тасодиф туфайли сақланиб қолган Саййид Оталиқ мадрасасининг истиқло-

лимиз учун нечоғлиқ аҳамиятли экани ҳақида. Камина унинг тимсолида буюк қадриятларимизнинг завол билмас ҳайкалини кўргандай бўламан. Денов худди чўллар тугаб, тоғлар бошланадиган минтақага тўғри келади. Ёзи салқин, киши мўътадил. Шунинг учун бир вақтлар бу ерда шакар-қамиш етиштирганлар. Денов хурмоси Ўзбекистондан ташқарида ҳам машхур. Тўғри, кўшани туманларда, ҳатто бошқа вилоятларда ҳам хурмони ўстириш мумкин ва шундай бўлаёпти ҳам. Аммо хурмо бирор жойда Деновдаги-чалик серҳосил ва ширин бўлмайди. Деновнинг марказида Дендрарий боғи бор. У ерда қандай дарактлар ўсмайди дейсиз. “Пола” дарахтини кў-

риб, бу дунёнинг турган-битгани мўъжиза экан-да, дейсиз. Бир пайтлар Петракларнинг бошига гўлтож бўлган дафнага бу ерда жайдари ўсимлик сифатида қарашади. Хай-хай демасангиз, бамбук бир кеча-кундузда беш метрга ўсади. Бир қарашда эътиборни тортмайдиган бу тафсилотлар Деновнинг тупроғи ва иклими созлигини исботловчи далиллар эмасми?

Тафаккур бобида оламини ҳайратга солган улуг бобомиз Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шахри” деган китобида истикомат учун соз ва носоз бўлган манзилларнинг таърифини баён қилади. Соз жойларнинг аломатлари санаб ўтилган саҳифаларни ўқиб, муаллиф шу ўринда Деновни назарга тутмадимикан, деб ўйлаб қоласан киши. Шу китобда битилишича, соз тулпор тоғларнинг қандай жойлашади, шамолларнинг қандай ва қеқдан эсиши, ичимлик сувининг сифати ўша юрт аҳолисининг нафақат сиҳат-саломатлигига, балки уларнинг қуввайи ҳофизаси, ақлий ривожланишига ҳам жуда сезиларли таъсир қилар, одамларнинг табиятидаги муайян хусусиятлар ҳам шу омилларга боғлиқ экан.

Қаранг, мустақиллик йилларида Деновдан истиқлолимизнинг беш нафар фидойилари — Иброҳим Файзуллаев, Аҳмад Нарзуллаев, Раҳмон Муҳамма-



диев, Ҳамза Маҳкамов, Юсуф Зиёевлар Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак шарафли унвонга сазовор бўлдилар.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод, Ўзбекистон халқ артисти Ўлмас Расулов, Ўзбекистон халқ бахшиси Боборайим Маматмуродовлар шу замин фарзандларидир. Адабиёт йўналиши буйича тўрт нафар шоира қиз — Феруза Қурбонова, Шаҳноза Турсунова, Фарида Топшўлатова, Дилрабо Норқулова Зулфия номдаги давлат мукофоти совриндорлари бўлди.

Академик Назар Тўраевни илм аҳли яхши билишар эди. Раҳматли Назар акадан бир сафар илмий фаолиятнинг мазмунини сўрагандим. У киши айтдики, ўта юқори даражадаги иссиқликда сиртнинг емирилишини қандай қилиб қамайтириш муаммолари устидаги тадқиқотларини шогирдлари ҳамроҳлигида давом эттираётган экан. “Агар ижтимоий тараққиёт шундай суръатлар билан давом этаверса, 50-60 йилдан сўнг инсоният ер юзидеги ва ер остидаги ёқиш мумкин бўлган ҳамма нарсани битиради. Ана ўшанда инсониятнинг энергияга бўлган эҳтёжини қаноатлантириш ва қондириш керак бўлади. Қандай қилиб? Бу ёқда ёқиш мумкин бўлган ўтин ҳам, кўмир ҳам, газ ҳам жуда кам бўлади... Ўшанда одамлар сувнинг тар-

кибидеги водород атомини парчалашдан бошқа илжожи қолмайди. Дунёдаги барча денгиз, уммонларда жамланган сув таркибидаги водород атомини эса ҳавода парчалаб бўлмайди. Бунинг устига, унинг парчаланиши учун жуда юқори даражада иссиқлик керак. Биз ҳозир водород парчаланаятган, тўғрироғи, портаётган макон деворининг емирилиши даражасини қамайтириш муаммоларини тадқиқ қиляпмиз”, деган эди Назар Тўраев. Денов шахрининг кўн ботишида Қизилсув дарёси бўйида Денов қалъаси деган манзил бор. Унинг ярмини дарё тоқшини юйиб кетган. Ана шу ўпирилишлар чоғи чиқиб қолган буюмларни кўздан кечирган академик Галина Пугаченкова уларнинг милoddан олдинги даврларда ясалганини аниқлаганди. Икки минг йилларга бардosh берадиган бу Тупроққўрғонни ота-боболаримиз бунёд этган. Манбаларда Қизилсув дарёсининг тағи билан ўтиб кўрғоннинг ичидан чиқадиган лаҳим — ероғи йўли ҳақида ҳам гапирилади.

Бундай азамат кўрғонлар, албатта, ҳужажўрсинга қурилмаган. Айни ҳақиқат шундан иборатки, Қизилсув ҳам шунча вақтдан бери ўзанини ўзгартирган ё қуриб қолгани йўқ, кўрғон ҳам эртақлардаги афсона эмас, жойида турибди.

Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан сўнг “тарихий хотира” деган ибора бежиз муомалага киргани йўқ. Чунки дарахтнинг эрталабки сояси кечқурунги соясига тенг бўлади. Қадим битикларда “Авлодларнинг биринчи бурчи — ўз аждодлари номини унутилишдан асраб қолишдир. Ўшанда шафқатсиз ва қудратли вақт улар устидан ҳукм юрита олмайди”, дейлади.

Бир минг икки юз йил илгари Култегин тошбитикларига деновликлар доим амал қиладилар, десам, ишонаверинг.

Тoштемир ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият
аҳлими.

ТАЛҚИН



НОҚОНУНИЙ КОНТЕНТ

бунга қатъий чора кўриш керак

Рақамли платформалар, ижтимоий тармоқ ва мессенжерлар бугун ёшлар ўртасида оммалашгани ҳеч кимга сир эмас. Ижтимоий медиада инсонлар ўз касб фаолияти ёки қизиқиши ва тижорий мақсадлар йўлида ўзининг шахсий блогини юритмоқда. Контент тайёрлаш айна кунда замонавий касб даражасига чиқишга ҳам улгурди. Инсонлар учун ўз мақсадларини амалга оширишда ижтимоий тармоқлар орқали контент тайёрлаш энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. Фойдаланувчилар тармоқдаги ҳар бир контентнинг мақсади, аҳамияти, манипуляциявий таъсири ва пропаганда аломатларини онгли равишда англаши зарур.

Бугун медиада ноқонуний контентлар сони тобора ортиб бормоқда. Буларга беҳаёлик, ўзравонлик, таваккалчилик асосланган қимор ўйинларини, гиёҳванд моддаларни тарғиб қилиш, тақиқланган диний мазмундаги, диний, ирқий, жинсий адоват уйғотувчи материалларни тайёрлаш ва тарқатиш, тегишли рухсатномасиз (лицензия) онлайн тренинг дарслар ўтказиш, психолог хизматларини тақлиф қилиш, ёлгон хабарларни (фейк) узатиш ҳамда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда, шахсларнинг овози ва тасвиридан фойдаланган ҳолда уларнинг номидан видео, фото, аудиоматериаллар тайёрлаш ва тарқатишни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Мана шундай ҳолатлардан бири ҳақида Тошкент шаҳар ИИББ хабар берди. Ўзбекистон халқ артисти, “Ялла” гуруҳи яққохон хонандаси Фаррух Зокиров номидан унинг овози, видеотасвиридан фойдаланган ҳолда, видео тарқалган. Видеода Ф.Зокиров интервью давомида куракда турмайдиган сўзлар ишлатиб, беҳаё сўзлардан фойдалангани, тиббиёт ходимларини ҳақорат қилгани акс этган. Шунингдек, турли хилдаги дори воситаларининг реклама қилинганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бир қарашда видео ҳақиқидек тасаввур уйғотади, шу билан

бирга, шахсни обрўсизлантириш, унинг мавқеидан фойдаланиб, номини қоралаш каби жиноят аломатларини кўриш мумкин.

Ёшлар орасида оммалашган блогерлик, қизиқарли видео олувчи вайнерлар ҳам баъзан тажрибасизлиги ёки илмсизлиги ортидан мана шундай ноқонуний контент тайёрлаб, жиний ҳамда маъмурий жавобгарликка тортилмоқда. Фуқароларнинг ҳаётига ёки соғлиғига ва атроф-муҳитга зарар етказувчи ёхуд зарар етказиши мумкин бўлган, миллий ва оилавий анъаналар, шунингдек, ахлоқ ва маънавиятнинг умумқабул қилинган нормаларига зид бўлган, очик-сочик қийнган қизлар иштирокида беҳаёликни тарғиб қилувчи ҳамда тегишли рухсатномасиз диний мазмундаги видеолари орқали жамоатчилик эътиборига, аниқроқ қилиб айтганда, эътирозига сабаб бўлмоқда.

Амалдаги қонунчилигимизга кўра, ижтимоий тармоқларда тўхмат, ҳақорат, шахсий ҳаётга таъовуз, зарарли қарамда ёлгон ахборотларни тарқатиш маъмурий жавобгарликка, терроризмни тарғиб қилиш, диний адоват кўзга, порнографик материал тарқатиш тегишли тартибда жиний жавобгарликка, шунингдек, мана шу каби материалларнинг изоҳларида қўллаб-қувватлаш, сақлаш, улаштиш, “лайк” босиш ҳам жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади. Қонунни билмаслик эса жавобгарликдан озод қилмайди.

Бизнингча, ноқонуний контент тарқалишига қарши тезкор чоралар кўриш учун Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва бошқа идораларнинг бу борадаги ваколат ва фаолиятларини қайта кўриб чиқиш керак. Бу, ўз навбатида, уларнинг ҳуқуқий механизмларини кучайтириш, интернетда хавфсиз муҳит яратиш ва инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган бўлиши зарур.

Дилшод ФАЙЗУЛЛАЕВ,
ЎЗМУ Журналистика ва ўзбек филологияси факультети талабаси.

АҲВОЛ

ГАЗЕТАЛАРИМИЗ НОМЛАРИ:



Кўп йиллар давомида ишим юзасидан (собиқ Матбуот ва ахборот агентлигида, ҳозирги АОКА) республикамизнинг марказий, вилоятлар, туман газета ва журналларини варақлаб, уларда эълон қилинган мақолаларнинг таҳлили билан шуғулланардим. Рости, болаликдан газетани севганим учун менга бу иш жуда қизиқарли, таъбимга мос машғулот, юмуш эди. Аммо газеталарнинг (журналлар эмас) бир-бирига монанд номлари бироз мени бездирарди. Чунки аксар газеталарнинг номи бир хил, қолаверса, эски тоталитар замоннинг коммунистик мафкураси ифодаси, таъсири эди. Афсуски, ҳамма замонга қараб, собиқ Иттифоқнинг бошқа минтақа, республикаларига ўхшаш, маънодош номларни оммавий ахборот воситаларига қўйиш одат ҳукмига айланган эди.

Қани энди ўша давр зиёлилари ҳам партия кўмондонларига ҳадеб қулоқ солмасдан, қолипдаги (трафарет) номлардан воз кечиб, чиройли номлар қўйишганда эди, унда лоақал тилимизнинг гўзаллиги нашрларимиз номларида ҳам намоён бўларди. Бу борада жадидларимизнинг шижоатлари намунаи ибрат бўла олади. Жадидлар ҳаракатининг етакчилари ХХ аср бошларида мустамлакачилик сиёсатининг энг қонли даврида илк миллий газеталарга ўзларининг мақсад, маслак ва муддаоларидан келиб чиққан ҳолда эътибор қилин, қандай гўзал номлар қўйишган: “Тараққий”, “Хуррият”, “Хуршид”, “Ойина”, “Тирик сўз”, “Нажот”, “Тужор”, “Турон”, “Улуғ Туркистон”, “Садои Туркистон” ва ҳоказо. “Нажот” газетасининг шиорига эътибор беринг: “Мусовот, хуррият, адолат”.

Таассуфки, Шўро замонида биз ҳатто нашрларимизга ном қўйиш бора-бора ҳам мустақил эмас эдик. Лениннинг “Правда” газетасига тақлид қилиб, барча газеталаримизга “Ҳақиқатлар” ёрлиғини ёпиштириб қўйдик. Натижада бир ўлкада, бир Ватанда кўзқорин каби ўнлаб, ҳатто юзга яқин “ҳақиқатлар” пайдо бўлди ва уларнинг аксарияти бугунги кунда ҳам яшаб келмоқда. Ҳаттоки Афғонистон давлатида ўтган асрнинг 80-йилларида ҳукмрон Халқ демократик партиясининг наشري москвалик маслаҳатчилар тавсияси билан “Ҳақиқат-э инқилоби Савр” (“Савр инқилоби ҳақиқати”) деб номланган эди. Мазкур партиянинг журнали эса, худди биздаги Компартия нашри “Партия турмуши”га ўхшаб “Зиндагйие хизб” номи билан чиқар эди.

2018 йил ҳолатидаги газета ва журналларимиз рўйхатида эътибор берсак, вилоят ва туманлар миқёсида ўнлаб “ҳақиқатлар”ни ўқидик. “Наманган ҳақиқати”, “Риштон ҳақиқати”, “Чуст ҳақиқати”, “Қўрғонтепа ҳақиқати”... Айнан шу тамойилда “садолар”-у “овоз-

лар” қўшимчаси билан республика, вилоят ва туманларда талайгина нашрлар фаолият юритмоқда. Биринчи “садолар” (“Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”) пайдо бўлишини тушуниш мумкин. Чунки у даврларда садо (овоз) берадиган радионинг ўзи йўқ эди. Шу боисдан жадид болаларимиз “халқнинг нидоси, садоси (овози) ўлка узра янгрисин”, деб газеталарга “садо” қўшимчаси билан ном қўйишган. Замонлар ўзгарди, аммо “ҳақиқатлар”-у “овозлар” ўзгармади. Албатта, ҳамкасбларимдан уэр сўрайман. Улар илдоа қилишлари мумкин: бу номларнинг нимаси ёмон? Мухими, материаллардаги мазмун-моҳият-ку? Лекин битта нарсасга ҳайронман. Нима, ҳақиқат бир туман миқёсида бошқа-ю, вилоят марказларида бошқами? Хайрият, мамлакатимиз мустақил бўлгач, Ленин ва унинг таълимоти — “ленинизм”, “коммунизм йўли”, “Ленин байроғи” учун жой қолмади. Акс ҳолда, “Ленин йўли”, “Коммунизм йўли” каби номлар парткратлар томонидан маҳкам сақланиши аниқ эди.

Пахта яккахукмронлиги халқимиз бошига не балоларни келтиргани ҳалим ёдимизда. Масковдаги катта оғанин “оқ олтинни олтин қўллар яратди” деган мактов сўзларига роса алдганимиз ҳам рост. Бугунги глобал экологик фожиалар ҳам айнан ўша сиёсатнинг мероси, оғир оқибатидир. Қарангки, шу сиёсатнинг асорати туманлар топонимикаси ва туман газеталарининг номланишига ҳам таъсирини кўрсатган. Масалан, Самарқанд вилояти Пахтачи туманининг “Пахтачи” газетаси, ёки Жиззах вилояти Пахтакор туман ҳокимлиги наشري ҳисобланмиш “Пахтакор ҳаёти” газетаси бунга мисол бўла олади.

1989 йил Марҳамат туманига ижодий сафарга борган эдим. Туман табиати ажойиб, ҳавоси мусаффо, айниқса, тонги фараҳбахш. Туман ютуқлари ва муаммолари ҳақида мақола

ёзиб, шу аснода маҳаллий нашр — “Оқ олтин” газетасининг номини “Марҳамат тонги”га алмаштириш тақлифини айтиб ўтгандим. Лекин, афсуски, бу тақлиф ўтмади ва газета (агар чиқаётган бўлса) номини ўзгартиргани йўқ.

Тўғри, истиқлол йилларида кўп маҳаллий нашрларда “ҳақиқат” ўрнини “тонг”-у “садо”лар босди. Масалан, “Бешариқ тонги”, “Тошлоқ тонги”, “Хива тонги”, “Қоровулбозор тонги”, “Паркент тонги”, “Сурхон тонги”, “Қибрай садоси”, “Хонобод садоси”, “Наманган садоси” ва яна бир неча нашрлар.

Албатта, ҳар бир нашр туғилишидан давр нафаси, замон ойинаси бўлади. Янги Ўзбекистон даврида замонга мос равишда янги нашрлар вужудга келди. Улар орасида, энг аввало, “Янги Ўзбекистон” газетасини алоҳида тилга олиш мумкин. Кейин “Янги Сирдарё”, “Янги Фарғона” юзага келди. Албатта, бундай номланиш жавобгарлиги таъбири ҳам эски кампания-бозилиқнинг тақрорига ўхшамаслиги керак.

“Vatan” журнали ҳам ўз номи билан ҳар бир муштарийнинг эътиборини тартади. Ҳам муқаддас, ҳам биргина сўздан иборат жозибали, бир олам маънога эга ном!

Яна бир гўзал номлардан “Нуроний”ни қайд этиш жоиз. Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси муассислигидаги “Imkoniyat” газетаси ҳам шулар жумласидандир. Бу ном газета муассисининг мақсадларига тўлиқ мос қўйилган. Аммо газеталар номлари орасида мени таажжубга солган, 2020 йил рўйхатга олинган “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти наشري ҳисобланмиш “O‘zbekko‘mir” газетасининг номи. Наҳотки шу соҳа ишчи-мутахассислари наشري учун бошқа ном топиламан? Масалан, “Кончилар” ёки “Меҳнат” ва ҳоказо.

Ўзбек тили дунёдаги энг бой тиллардан биридир. Шу ғани ва бой тилимиздан нашрларимизга (нафақат нашрлар, сайтларимиз, телеграм тармоқлари, наشريётларимизга ҳам) гўзал ном топиб қўйсак, нур устига нур бўларди.

Шоҳахор САЛИМОВ,
Ўзбекистон ва Тожикистон журналистлари уюшмалари аъзоси.

ТАҲЛИЛ

ДЕЗИНФОРМАЦИЯ

унинг болалар тарбияси ва руҳиятига психологик таъсири

Ахборот технологиялари тез ривожланиб борар экан, болалар ва ўсмирлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланган интернет ва ижтимоий тармоқлар уларнинг билим доирасини кенгайтириш, ихтидорлигини ривожлантириш ва дунёқарашини шакллантириш имкониятини берса-да, айна пайтда катта хавф-хатарларни ҳам келтириб чиқармоқда. Болалар ҳаётини таърибига эга бўлмаган, оқ-қорани ажрата билмагани сабабли ёлгон, нотўғри ёки манипулятив маълумотларни ҳақиқат сифатида қабул қилишга мойил бўлишади.

Сўнгги йилларда турли “чақирув” (“challenge”) ва ўйинлар болалар ўртасида кенг тарқалди. Масалан, “Blue Whale” (Кўк кит), “Momo challenge” ёки “TikTok”даги хавфли вазифаларга асосланган трендлар болаларни ўз жонига қасд қилишгача олиб борадиган даражада руҳий босим остида қолдирган.

Буюк Британиянинг “The Guardian” нашрида чоп этилган хабарга кўра, 2025 йил февраль ойида тўрт нафар ота-она “TikTok” платформасини судга берди. Уларнинг фарзандлари омалашган “Blackout Challenge”ни бажаришга уриниб, ҳаётдан кўз юмган. Мутахассислар ушбу челленжнинг оқибатлари яшириб кўрсатилгани учун уни дезинформация деб атайди. Ота-оналар “TikTok”нинг ушбу хавфли контентни тарқатишда масъулиятли бўлишга чақирди.

Жорий йилнинг январь ойида қизамиқ эпидемиясига қарши вакциналар ҳақида нотўғри

маълумотлар, хусусан, уларнинг хавфсиз эмаслиги ёки аутизм каби касалликларга олиб келиши ҳақидаги асосиз даъволар ота-оналарнинг эмлашдан воз кечишига сабаб бўлди. Натижада икки гўдак вафот этди. Шунингдек, қизамиқ каби олдини олиш мумкин бўлган касалликларнинг қайта авж олишига олиб келган.

Бундай дезинформация компаниялар, ёлгон “чақирув”лар ёки манипуляциявий контентлар болаларда руҳий тушунлиқ, қўрқув, ёлғизланиш ҳиссини кучайтиради. Шундай болалар ўзини баҳоланмаётгандек ҳис қилиб, виртуал дунёда “диққат марказида” бўлиш учун хавфли ишларни қилишга интилади. Бу тарбия жараёнида жуда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Шу каби таҳдидлар жаҳонда рўй бераётганига қарама-қарши, Ўзбекистон болалари ҳам ҳушёрлиқни бой бериб, унинг домига тушиб қолаётгани ташвишли ҳолатдир.

Бугун мамлакатимизда дезинформацияга қарши курашиш, ёшларимиз унинг қурбонига айланмаслиги учун олиб борилаётган ислохотлар етарлими? Амалдаги қонунчиликка кўра, Ўзбекистонда ёлгон маълумот тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 2022-моддасига кўра, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлгон ахборотни тарқатиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима солинади. Жиноят кодексининг 244-моддасига

кўра, жамоат тартибига ёки жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлгон ахборотни тарқатиш, шу жумладан, ОАВда, телекоммуникация тармоқларида ёки интернет тармоғида тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваригача миқдорда жарима ёки 300 соатгача мажбурий жамол ишлари ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 2 йилгача озодлиқни чеклаш билан жазоланади.

Бугунга келиб дезинформациянинг болалар тарбиясига салбий таъсирини камайтириш учун мавжуд қонунчилигимизни янада такомиллаштириш зарурати долзарб масалага айланди. Негаки, амалдаги ҳуқуқий асослар кўпроқ жазолашга қаратилган. Хавфли ахборот оқими таъсирининг олдини олиш унинг оқибатларини бартараф этишдан муҳимдир. Замонавий ижтимоий медиа муҳити эса тезкор, илғор ва профилактик (олдини олувчи) ёндашувларни талаб қилади. Бу борада ривожланган Германия ва Канада қонунчилик тизимидаги андозалар қўллаб мамлакатларга намуна бўлиши мумкин. Хусусан, “NetzDG” (“Netzwerkdurchsetzungsgesetz”) — “Интернетда провокациявий таҳдидларга ва ёлгон маълумотларга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун 2017 йили қабул қилинган бўлиб, Германия ҳукумати томонидан ижтимоий тармоқлар ва онлайн платформаларда нафратта, ўзравонликка, ирқчиликка, кибержукумга ва бошқа зарарли контентга қарши курашиш учун ишлаб чиқилган. Унга кўра, платформалар ўз фойдаланувчилари томонидан жойлаштирил-

ган ноқонуний контентни 24 соат ичида олиб ташлашга доир мажбурият белгилаб қўйилган. Агар платформалар қонун талабларига жавоб бермаса, уларга катта (йигирма миллион еврогача) жарималар солиниши кўзда тутилган.

Канадада “Digital Charter Implementation Act” — “Рақамли устуворлик тўғрисида”ги қонун 2020 йили қабул қилинган. Бу қонун Канадада рақамли хавфсизлиқни таъминлаш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва фойдаланувчиларни интернетда хавф-хатарлардан назорат қилишни мақсад қилади. Қонун давлат ва шахсий секторда ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган. Шунингдек, “The Youth Protection Act” — “Ёшлар ҳимояси тўғрисида”ги қонун бўлиб, болалар ва ўсмирларни интернетдаги зарарли контентдан ҳимоя қилишга йўналтирилган. У, шунингдек, онлайн бўлиш ва кибержукумларнинг олдини олишга ҳам мўлжалланган. Таъкидлаш жоизки, Германия ва Канада қонунлари ўзларининг аниқ ва самарали тартибга солиш механизмлари билан нафақат дезинформация, балки Интернетдаги хавф-хатарлардан болалар ва ўсмирларни ҳимоя қилишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Бундай қонунчилик бошқа мамлакатлар учун ҳам фойдали таърибга бўлиши табиий.

Ўзбекистонда Германия ва Канададаги каби қонунчилик механизмларини жорий этиш дезинформация ва онлайн хавф-хатарлар билан самарали курашишга ёрдам бериши мумкин. Бирок қонунларни жорий қилишда эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур, чунки бу интернет эркинлиги ва шахсий ҳуқуқларни чеклашга олиб келиши мумкин. Платформалар ва ин-



тернет компанияларининг жавобгарлигини ошириш, уларнинг фойдаланувчилар томонидан тарқатилган зарарли контентни аниқлаш ва тезда олиб ташлашни таъминлаш, мамлакатда рақамли ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга. Бундай қонунларни жорий қилишда технологияларнинг тез ривожланишини ҳисобга олиш, платформаларни назорат қилишни оптималлаштириш ва рақамли хавфсизлиқни ошириш муҳимдир. Ҳар қандай қонун ижросида эркин фикр билдириш ҳуқуқини чекламаслик, шахсий эркинликни сақлаш ва фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш зарур. Платформалар ва давлат ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, самарали ва жадал мониторинг тизимларини жорий этиш ва халқроқ таърибларни ҳисобга олиш Ўзбекистон учун ҳам рақамли хавфсизлиқни таъминлашда муваффақиятга эришиш имконини яратади.

Назим БҶОНОВ,
мустақил тадқиқотчи.

■ МУАММО

ЗИЛЗИЛАНИ ЎРГАНМАСА ҲАМ БЎЛАВЕРАДИМИ?

ёки Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчи олимлари нимадан норози бўлишмоқда?

Бутун бир шаҳар, ҳатто бутун бир мамлакат(лар) аҳолисини доғда қолдирадиган табиий офатлардан бири зилзиладир. Унинг қачон, қаерда, қай вақтда, қандай кучланиш билан рўй беришини олдиндан аниқ айтиш устида қўллаб мамлакатларда илмий-тадқиқотлар изчил олиб борилаётган бўлса-да, ҳали бу борада бир тўхтамга келинганича йўқ. Дунёнинг у ёки бу жойида ер силкиниб, минглаб одамлар ҳаётдан кўз юмганини, қанчадан-қанча бинолар вайрон бўлган муҳдиш хабарни эшитганимизда, даҳшатга тушамиз.

Зилзила офати нималарга қодирлигини, одамлар бошига не-не кулфату жабру жафолар солишини биламиз. 1966 йилги Тошкент зилзиласи нурунийлар ёлди. Бу ҳам оғоҳ бўлишга даъват этиб туради. Мамлакатимизда сейсмология соҳасига эътибор қаратиш, унинг ҳар жиҳатдан бугунги кун талабларига мос келишига эришиш аҳамияти муҳим. Фан ютуқларини амалиётда жорий этиш, салохиятли кадрлар тайёрлаш замон талаби. 1966 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибида ташкил этилган Сейсмология илмий-тадқиқот институти ўтган салкам олтинчи йил мобайлида бой тажриба тўплади. Дунёнинг йирик марказларидан бирига айланди. Институт олим ва мутахассисларининг узлуksиз сазъ-ҳаракатлари билан республикамиз ҳудудларининг сейсмик хавфсизлиги муаммоларини илмий тадқиқ этиш борасида амалга оширилган самарали ишлар янги-янги йўналишларда давом эттирилмоқда.

1976 йилги Газли, 1977 йилги Товоқсой, 1980 йилги Назарбек ҳудудларидаги зилзилалар мазкур соҳани янада ривожлантиришни, юклатилган вазифаларни аниқ-тиник бажаришда замонавий илмий ёндашувларни кенг қўллашни, изланиш ва янгиликка интилишни кун тартибига олиб чиқди. Институт олимлари жаҳоннинг йирик сейсмик илмий марказлари билан тажриба алмашиш йўлида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга ундади.

Сейсмология фанидаги ҳар бир кашфиёт республикамиз сейсмик хавфсизлигини таъминлашга қўшилган муносиб ҳисса бўлса-да, бу — зилзила муаммолари энгиллаштирилди дегани эмас. Президентимиз томонидан 2021 йилнинг 13 сентябрида “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. 2022 йил 30 майда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 144-сонли Фармони, 2023 йил 16 майда эса “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Республикамиз ва халқимиз сейсмик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бу муҳим ҳужжатлар соҳани нафақат янада ривожлантириш, такомиллаштириш, балки унга амалий ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш лозимлигига чорлаши билан ҳам ғоятда қимматлидир. Айниқса, улларда ақс этган:

— зилзилаларнинг вужудга келиш механизми ва табиатнинг ҳамда бу офат дарақчаларининг турли геодинamik жараёнларда намоён бўлишини тадқиқ қилиш;

— зилзилаларнинг одатдагидай “Дамас”га чиқдим. Киракаш доимий ашуласини бошлади.

— Яна машинага солинадиган газ қимматлашибди, бунча нархни кўтаришди, кўтар-кўтар тоза жонга тегди. Кира ҳақини кўтарсак, халқ норози бўлади.

Йўловчилар бирдан ҳушёр тортиб, кўпроқ пул талаб қилиб қолмасин учун киракашга йўл пули узатишди.

— Жонга тегди, жонга тегди, — чувуллашди ҳаммаси.

— Бозорни айтмайсизми, бозорни, — қулоғим остида шангиллади бир ярим кишининг ўрнини эгаллаб олган юзи рапидадай хотин. — Ҳамма нарса заҳардан қиммат. 500 минг олиб чиқсанг,



лишни такомиллаштириш;

— бино ва иншоотлар, сув омборлари, тўғонларининг зилзилабардошлик даражасини доимий космик мониторинг қилиш тизимини жорий этиш;

— автоматлаштирилган мажмуавий-прогностик станцияларни кўпайтириш ҳисобига республика ҳудудини тўлиқ мониторинг қилиш имкониятини яратиш;

— миллий сейсмик кузатувлар тармоғининг халқаро сейсмик кузатувлар глобал тизимига киритилган станциялар билан доимий алоқаларини таъминлаш.

Бу изланиш ва тадқиқотларни ривожлантириш давлат сиёсати.

Бундан қарийб қирқ йил аввал Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги “Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи” ҳудудидан оқиб ўтадиган Чотқол дарёсининг Чорвоқ сув омборига қўйилиш жойига яқин қирғоқ ҳукумат томонидан сейсмик ҳолатни ўрганиш мақсадида (тектоник ёриқлар кесишадиган ҳудуд) танлаб олиниб, илмий-амалий тадқиқотлар учун маҳаллий ҳокимиятнинг қарори билан 3,1 гектар ер майдони Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)га фойдаланиш учун берилган. Университет шу майдонда радиофизика полигони ташкил этиб, Чорвоқ сув омбори ҳудудида ер қобигининг деформацияларини юқори аниқликда ўлчаш, ер қобигининг силкиниши ва тебранишларини қайд этиш, илмий хулосалар асосида юз бериши мумкин бўлган зилзиланинг кийи, қуввати ва вақтини прогноزلаш тадқиқотларини бошлаганди. (бу жараён ривожланган мамлакатларда фаол давом этмоқда).

Университет радиофизика полигонининг тектоник ёриқлар кесишадиган ҳудуддаги шахта зилзилани қайд этадиган ва ўлчовни юқори даражада таъминлайдиган Марказий Осиёда ноёб геоманзил объект ҳисобланади.

Сейсмик хавфлилиги саккиз баллни ташкил этадиган ҳудудда олийдаража илмий ҳодим ва талабалари Ўзбекистон Фанлар академиясининг Сейсмология илмий-тадқиқот институти, Факултетада вазиятлар вазирлигининг Сейсмопрогноз маркази, мутасадди ташкилотлар ҳамда хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда сейсмик хавфини аниқлаш ва баҳолаш, зилзилани прогноزلаш, ерининг чуқур ёриқларини ўрганиш борасида узoқ йиллардан бери илмий изланишлар олиб боришмоқда. Ҳамкорлик доираси ривожланган давлатларнинг мазкур йўналишдаги илмий марказлари ҳисобига йил-сумканг ярим бўлмайди.

— Бўлмайди, бўлмайди, — маъқуллади қўпчилик.

— Халқаро террорчилар ҳеч кимга кун бермай қўйди, — юзининг қандай ариқча бўлиб, бўйнининг ичига кириб четдан тўлибашара барзанги гўн-ғиллади. — Ҳамма қимматчилик ана шундан. Илгари мўл-кўлчилик эди, ҳамманинг чўнтагида пул бўларди, ҳозир кимнинг қапайиб турган киссасига қарасанг, ё сетка, ё семичка бўлади...

Йўловчилар сергакланиб, чўнтақларини пайпаслаб олишди.

— Пул қайда дейсан, жиян, — гапга қўшилди шопмўйлов киши қўлидаги сечкани қаттиқроқ чангаллаб. — Ҳозир одамлар нонга зўрга пул топяпти, чўнтагида пул олиб юрармиди?

— Пул йўқ, пул йўқ, — айюҳаннос солди ҳамма.

— Пул бўлганда, таксида кетар эдик.

— Нега пул йўқ, пул бор, — деди барзанги шопмўйловни кўзи билан сузиб. Унинг ранги оқариб, сечкасини баттароқ чангаллаб олди. Барзанги рапида юз хотинга, кейин тулпателпакка назар ташлаб, башарамнинг рўбарўсига келиб тўхтади: — Банқда.

— Банқдаги пул газамига дори бўлармиди, ана, “Вестер бир боло” деганидан банк орқали ўлим четдан пул юборган экан, икки ҳафтадан буён

актини бериш тўғрисида”ги 11/1-сонли қарорига асосан университетга Б № 005717-рақамли “Ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат акти” ҳам берилган. Шунингдек, университетга 3,1 гектар ер ажратиш бўйича 1993 йилнинг 27 июлида Бўстонлиқ туман ҳокимияти ва унинг таркибига кирувчи барча ташкилотлар, жумладан, “Бурчмулла” ўрмон хўжалиги раҳбарлари розилиги ва иштирокида “Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Бурчмулла ўрмон хўжалиги ҳудудидан радиофизика ўлчов полигони қуриш учун ер танлаш ва ажратиш тўғрисида”ги ўзаро далолатнома имзоланган.

Радиофизикавий илмий тадқиқотларни олиб бориш, талабалар ва докторантларнинг амалиёт ўташини ташкил этиш мақсадида 1984 йилда Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Бурчмулла қишлоғида “Бурчмулла” радиофизика полигони ташкил этилган. Полигон 2 қисмдан иборат бўлиб, ғор томондан 1,1 гектар (“Бурчмулла” ўрмон хўжалиги ерлари) ва дарё ёқасидан 2 гектар ер ажратилган эди. Ушбу 2 гектар ер майдон атрофи университет ҳисобидан темир панжара билан ўраб олиниб, профессор-ўқитувчилар томонидан ўзлаб мевали ва манзарали дарахтлар экилиб, боғ ҳам барпо этилди.

Полигоннинг собиқ мудири бу ердаги имкониятлардан ўз шахсий мақсадларида фойдаланишни қўзлаб, яқин қариндошларини ёнига олиб, аста-секин қинғир ишларга қўл ура бошлаган. Ҳатто ўрмон хўжалиги ва бошқа маҳаллий ташкилотлар раҳбарларининг турли йўллар билан розилигини олишга эришиб, полигон ерларини, бино ва вагонларини талон-торож қилади. Дам олувчилар учун уйлاردан тортиб, чойхоналар қуриб вазият шу даражага бориб етадики, университет профессор-ўқитувчилари-у талабаларининг полигондаги вазифаларни бажаришларига халақит қила бошлашади. Ноконунги хатти-ҳаракатлар зўравонлик кайфиятида кучайгани туфайли университет доимий фаолият кўрсатувчи сейсмик, геоманит майдон вариацияларини ўлчаш ва “GPS-GNSS” станцияларини ўрната олмапти. Сейсмик хавфини жаҳон андозаларга бўйича замонавий усуллар билан ўрганишда мазкур станцияларнинг ёзувлари узлуksиз давом этиши зарур. Радиофизика полигони жойлашган ҳудуд аҳоли яшаши учун хавфли, сейсмик фаоллиги 8 баллик ҳудудга киритилган. Сув омбори қирғоқларида катта қияликда ётган бўшoқ жисмлардан иборат. Кўчки ҳосил бўлганда (бу эҳтимол доим бор) жисмларнинг минглаб кубометр ҳажмда ўчирилиб тушиши қирғоқдаги уй-жой ва бошқа иншоотларга жиддий зарар етказида-қул! Наҳотки, илмий изланишлар олиб бориладиган, ҳаёт учун сейсмик хавфхатарли “тадбиркор”га бериб юборса? Бу ҳолатда коррупция аломатлари сезилаётгандай туйилмоқда. Ўзбекистон Миллий университетида тегишли бўлган радиофизика полигонини ўзиники қилиб олганлар фаолияти қонунийми? Университет вакиллари мазкур масала бўйича туман ва вилоятнинг тегишли идораларига мурожаат қилиб, адолатли ечим сўрашмоқда.

Нуриддин ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюммаси аъзоси.

■ ХОРИЖ

ХУСИЙЛАРГА ҚАРШИ АМАЛИЁТ

АҚШ ва Саудия Арабистони ҳарбий-денгиз кучлари эҳтимолий иштирокида Ямандаги “Ансор Аллоҳ” ҳаракати (хусийлар)га қарши қуруқликдаги ҳарбий амалиётга тайёрланмоқда, деб хабар тарқатган “CNN” телеканали.

Минтақавий дипломатик манбалар жануб ва шарқ, шунингдек, қирғоқ бўйлаб бошланадиган амалиётга тайёргарлик қўрилаётганини маълум қилган. Мувофиқлаштирилган ҳужум, шунингдек, Саудия ва АҚШ томонидан Худайда портини қайтариб олишга уринаётган ҳарбий-денгиз кучларини ҳам қўллаб-қувватлаши мумкин.



Америка етакчиси Дональд Трамп жорий йилнинг 15 март куни ҳарбийларга хусийларга қарши “қатъий ва кучли” чоралар қўришни буюрганди. Шундан сўнг Марказий қўмондонлик кучлари Яман ҳудудидagi нишонларга қатор зарбалар беришган. Ундан аввалроқ эса президент “NBC News” телеканалига берган интервьюсида “Агар АҚШ ва Эрон келишувга эришмаса, мисли қўрилмаган портлашлар юз бериши” билан таҳдид қилган эди.

ТРАМПГА ИМПИЧМЕНТ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

Демократ конгрессмен Эл Грин АҚШ Президенти Дональд Трампга импичмент эълон қилиш таклифини илгари сурган. Бу ҳақда “Hill” газетаси ёзди. Унинг фикрича, Трамп эгаллаб турган лавозимига лойиқ эмас.

Умуман, Грин бу ниятини анча аввал ошкор қилган. “The New York Times” газетасининг ёзишича, у Капитолий тепалигида, Демократик партия бу масалани кўтармасдан олдин, яъни биринчи муддати Трампни импичментга қақириш учун тарафдор гуруҳ раҳбарларини қайта-қайта ундаган эди. Грин жами уч марта шундай ташаббус билан чиққан ва ҳар гал муваффақиятсизликка учраган.



Трамп АҚШ тарихида Вакиллар палатаси томонидан икки марта импичмент эълон қилинган ягона президент. Бинобарин, ҳар сафар у сенаторлар томонидан оқланган.

ЭНГ КЎП МИЛЛИАРДЕРЛАР ЯШОВЧИ ШАҲАРЛАР

“Forbes” энг кўп миллиардерлар яшовчи шаҳарлар рейтингини эълон қилди.

Нашрга кўра, биринчи ўринда Нью-Йорк жойлашган. Шаҳарда жами 123 нафар миллиардер яшайди. Нью-Йоркнинг собиқ мэри ва тадбиркор Майкл Блумберг улар орасида энг бойи ҳисобланади (\$105 млрд).



Россия пойтахти Москва иккинчи ўринга кўтарилган — 90 нафар миллиардер. Бир йилда уларнинг сони 16 нафарга кўпайган. Москвада яшовчи миллиардерларнинг жами бойлиги — \$409 млрд. Александров (\$28,7 млрд, “Лукойл” асосчиси) ҳисобланади.

Рейтингнинг учинчи ўрнида Гонконг қайд этилган, 72 нафар миллиардер. Таъкидланишича, Гонконг ўтган йили рейтингда иккинчи ўринда эди.

Миллиардерлар сони бўйича кейинги ўринларда жойлашган шаҳарлар: Лондон (4), Пекин (5), Мумбай (6), Сингапур (7), Шанхай (8), Сан-Франциско (9), Лос-Анжелес (10).

ВЕНГРИЯ ХАЛҚАРО ЖИНОИЙ СУД ТАРКИБИДАН ЧИҚАДИ

Венгрия Халқаро жиноий суд таркибидан чиқади. Бу ҳақда Венгрия Бош вазيري Виктор Орбан идораси раҳбари Гергей Гуяшга таяниб “МТН” ахборот агентлиги маълум қилган.

Бу қарор ХЖС Фалатиндаги жиноятлари учун жибсга олиш ҳақида ордер берган Исроил Бош вазيري Биньямин Нетаньяхунинг Венгрияга ташрифи фондида қабул қилинган.



Венгрия 1999 йилда ХЖСнинг таъсис ҳужжати (Рим статуту)ни имзолаган ва уни 2001 йилда ратификация қилган. Венгриянинг ХЖСдан чиқиши жараёни, “Reuters” агентлигининг қайд этишича, тегишли қонун лойиҳаси мамлакат парламенти томонидан қабул қилинганидан кейин бир йил давом этади.

“ОЛТИН ВИЗАЛАР” БЕРИШ ТЎХТАТИЛДИ

Испания шу йилнинг 3 апрелидан “олтин визалар” беришни тўхтатган. “Schengen” нашрининг ёзишича, ушбу дастур 2013 йилдан бери амалда эди.

“Олтин визалар”, яъни мамлакатда яшаш ҳуқуқини қуйидаги ҳолатларда қўлга киритиш мумкин эди:

— испан компанияларидан бирининг 1 млн еврога тенг акцияларини сотиб олиш; давлат қимматбаҳо қозғоларига 2 млн евро сармоя киритиш; қиймати 500 минг евродан юқори бўлган кўчмас мулк сотиб олиш.

Юқоридагилар орасида кўчмас мулкка сармоя киритиш энг оммалашиб кетганди.

Испания турар-жойлар қурилиши ва шаҳарларни ривожлантириш вазيري Исабел Родригеснинг айтишича, “олтин визалар” беришни тўхтатиш юқори нархлар ҳамда мамлакатнинг айрим жойларида тақлиф тақчиллиги туфайли уй сотиб олиш имконияти чекланган испанияликларга мадад бўлади.

Интернет маълумотлари асосида
Ислom ЭТАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

■ ПАМФЛЕТ

Одам боласи қандай шароит бўлмасин, ҳаммасига қўниқари. Унинг яшовчанлиги ҳам ана шунда. Оҳ-воҳ қилади, ўзини тўрт томонга уради, кейин ҳамма қатори арава-сини судраб юриверади. Замон, маконлар айланади, насллар, фасллар алмашади, лекин бандаси тушмағур ўша-ўша ношукурлигича қолаверади. Одамзод ёз бўлса, кишини кўмсаиди, қиш келса, ёзни соғинади. Бошига бахт қўши қўниб, иши юришиб кетса, кечаги кунини унутади-қўяди. Иши юришмаса, замондан нолийди, кечаги кунини кўмсаиди, “эҳ, коммунизм ўтиб кетибди, билмай қолибмиз”, дейди. Бундай яшаб бўлмайди, дейди.

Ишга отланиб, одатдагидай “Дамас”га чиқдим. Киракаш доимий ашуласини бошлади.

— Яна машинага солинадиган газ қимматлашибди, бунча нархни кўтаришди, кўтар-кўтар тоза жонга тегди. Кира ҳақини кўтарсак, халқ норози бўлади.

Йўловчилар бирдан ҳушёр тортиб, кўпроқ пул талаб қилиб қолмасин учун киракашга йўл пули узатишди.

— Жонга тегди, жонга тегди, — чувуллашди ҳаммаси.

— Бозорни айтмайсизми, бозорни, — қулоғим остида шангиллади бир ярим кишининг ўрнини эгаллаб олган юзи рапидадай хотин. — Ҳамма нарса заҳардан қиммат. 500 минг олиб чиқсанг,

БИЗДА ҲАММА НАРСА БОР

ололмайман, — деди рапида юзли хотин. — Пулни қиммаг ишлатиш керагини ёзмаган экан, энди орқага қайтариб юборишармиз.

— Ҳамма айб ўзимизда, — деди шу пайтгача гап қўшмай, кўзи ўйнаб ўтирган тепакал, башанг кийинган галстукли киши. — У йўқ, бу йўқ, деб нолганимиз-нолиган, ҳар хил миш-мишга ишона-миз, қўшиб-чатиб бошқаларга етказамиз, ундан кейин тепада ўтирганини айбдор қиламиз. Қани, кимнинг кўни ўтмай қоляпти? Ҳамманинг уйида бир бурда нони, обиёвғони бор. Худого шукур қилиш керак...

Йўловчилар бирдан жим бўлиб қолди.

— Мана, ҳамма нарсанинг нархи кўтарилиб кетяпти, бундай яшаб бўлмайди, деймиз, тўйларни қаранг, қанчалик кўпайиб кетганини. Соч тўйи, ёш тўйи, мучал тўйи, ақиқа, суннат, никоҳ, чарлар... э, сон-саногига етиб бўлмайди. Тўйхонага кирсанг, дастурхон тўқинлигидан ёрилиб кетай дейди. Одамлар бу камлик қилгандай, ҳатто фотиҳа тўй, гаштақларни ҳам ресторанда қияпти. Яна нима керак? Қачон бундай замон бўлган?

Йўловчилар келишиб олгандай бирданича:

— Тўғри-тўғри, — дея айюҳаннос солишди. — Бундай замон бўлмаган!

— Бўлмайди ҳам! — давом этди тепакал. — Қимматчилик, қимматчилик деймиз, ойлик маош-

лар неча марталаб оширилди? — тепакал менга синованч қарди: — Мана, сизнинг маошингиз қанча? — Мен ҳар эҳтимолга қарши унга қараб елкамини қисдим. — Ҳа, айтмайсиз, лекин каммида 4-5 миллион олпасиз. Ундан ташқари, кўнлик тушумингиз бор!

Ҳамма гув этиб менга қаради. Айниқса, барзангининг қарши вужудини пармалаб ташлади. У “Шунча ойлик олар экансан, неча чўнтагинда пул олиб юрмайсан, номард!” — дейётгандай эди гўё.

— Йўғ-э, унчаликмас, — дедим кўзимни қаёққа олиб қочишни билмай ва: “Ё тавба, тўртта идорада қоровул бўлиб ишлашимни бу одам қаёқдан билар экан?” — деган савол ҳаёлимдан ўтди.

— Бунинг аҳамияти йўқ, — давом этди тепакал галстугини тўғрилаб. — Мана, мен бир пайтлари юз сўм ойлик олар эдим. Ушанда автобус паттаси ўн тийин эди. Ҳозир-чи? Маошим 3 миллион сўм бўлган, автобус қира ҳақи шунга яраша 1700 сўм. Ношукурчилик ҳам эви билан-да!

— Эви билан, эви билан, — бақирди йўловчилар.

— Пул йўқ, пул йўқ, деймиз, мана, жияним иккита қизини имтиҳонга бир кун қолганда фалон миллион билан ўқишга жўнлаб қўйди ақушерликка, — деди дўхтирга ўхшаб кетадиган, морзе ҳарфларини тераётгандай бармоқларини ўриндиқ

суянқиқларида тинимсиз ўйнатиб турган киши. — Пул кўп одамларда.

— Фақат ишёқмас замондан нолийди, — деди тепакал “омин” дегандай гапини яқунлаб. — Қимирлаган кишига Худонинг ўзи бераверади.

— Бераверади, бераверади, — гувиллашди ҳамма бир-бирига гал бермай, кекирдақларини чўзиб.

— Сиз нима дейсиз? — тепакал дабдурустан менга ҳужумга ўтди. — Боядан буён разм солиб ўтирибман, ҳамма гапиряпти, сиз чурқ этганингиз йўқ.

“Оббо, нега бу менга канадай ёпишиб олди? — ўйладим хунобим чиқиб. — Мен унчалик бой эмасманки, чурқ этиб оғиз очсам, унчалик камгағал ҳам эмасманки, замондан нолийдиган бўлсам...”

— Сиз ҳам бундай яшаб бўлмайди, деб ўйлайсизми? — Қаёқдан менга осилиб олди бу тепакал. — Бизда қимматчилик борми?

Мен кўмас кўтиб, жавдираб атрофдагиларга қарадим.

— Бизда ҳамма нарса бор, — бақирди тулпак телпак. — Йўқ бўлса, топамиз!


— Топамиз, топамиз, — гувиллади йўловчилар.

Анча енгил тортидим. “Дамас” манзилга келиб тўхтади.

Ҳали ҳам кўзини узмай, менга тикилиб турган тепакалга қараб елкамини қисдим-да, йўловчиларга қўшилиб мошинадан туша солиб югурти-лаб кетдим...

Нуруллоҳ ОСТОН

✓ МУЛОҲАЗА



Инсон дунёга келибдики, бахтга интилиб яшайди. Саодатли бўлиб, толега чўмиб ҳаёт кечиришни орзу қилади. Унга етишиш йўлларини излайди. Албатта, бу неъматга ўз-ўзидан эришилмайди. Халқимиз азалдан бахт деганда тинчлик, хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, фарзандлар камоли, эл-юрт олдида юзи ёруғлик қабиларни асосий мезон сифатида билган.

Ҳазрат Алишер Навоий шахзода Бадиуззамонга ёзган мактубларидан бирида шундай ҳикматомуз фикрларни баён қилади: “Одамнинг мурод-мақсади бўлмаса, балолардан омон қолмайди. Аммо ҳар кишининг муроди кўпроқ бўлса, Ҳақ таоло амрига итоати ҳам бўлади”. Шундай экан, ҳар биримиз ўз мақсадимизни аниқ белгилашимиз, огоҳ бўлишимиз, Ватан, ота-она, қариндош-уруғ, фарзандлар, халқ, эл-юрт олдидаги масъулиятимиз ва бўрчимизни англаган ҳолда, бунёдкорлик ҳисси билан яшашимиз ва шу орқали барча эзгу мақсад ва ниятларимизга эришишимиз мумкин.

Ўзини шу Ватаннинг фарзанди деб билган инсонлар нафақат таълим-тарбия жараёнида, балки ота-онаси ва фарзанди билан мулоқотда ёки ака-укалари суҳбатда ҳам дунёда юз бераётган нотинчликлар, тўполонлардан бир-бирини огоҳ этиб турмоғи керак. Шунингдек, хунрезликларнинг ортида турган кучлар ҳамда уларнинг ғаразли мақсадлари моҳиятини очиб бериши, мамлакатимиздаги ютуқлар, бунёдкорликлар, тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш борасидаги амалий ишлар ва вазифалар ҳақида мулоҳаза юритиши даркор.

Биз гўзал, озод ва обод Ватан қуря-миз. Ҳаётимиз осойишта, турмушимиз фаровон, эртанги кунимизга ишончимиз катта. Бироқ бунинг ўзи ҳаётимиз ва тинчлигимиз, эртанги кунимиз, қўзлаган мақсадларимиз, эришишимиз лозим бўлган марралар учун етарли эмас. Бугунги мафкуравий хуружлар, “оммавий маданият” таҳдиди даврида бирор дақиқа ҳам лоқайд ва бефарқ бўлмаслигимиз зарур. Ҳақиқат аҳоли ва ҳушёр бўлган ҳолда тинчлигимизни қўз қорачигидек асрашимиз, ёшларимиз онгини ет ғоялардан ҳимоя қилмоғимиз, мақсад ва мудоааларимизни аниқ белгилаб олмағимиз зарур.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг “Шу ўринда депутат ва сенаторларимиз, маҳалла, нуруний, хотин-қизлар ва ёшлар фаолларига, бутун халқимизга қарата айтмоқчиман: энг бебаҳо олий неъмат — тинчлигимиз ва осойишталигимизнинг қадрига етайлик, оилаларимиз, фарзандларимиз, келгуси авлодларимизнинг бахту камоли учун бу улғу бойлиқни асраб-авайлайлик!” — деган хитоби барчамизни такрор ва такрор огоҳликка ундайди.

Афсуски, қанчадан-қанча шарт-шароит, имкониятлар яратилаётган бўлса-да, ҳали-ҳамон боқимандалик кайфиятига берилган, “давлат менга ҳамма нарсани қилиб бериши керак”, деган қарашда яшаётган одамлар ҳам бор. Улар доимий ўқиш, ҳунар ўрганиш, ма-лака ошириш ўрнига давлатнинг ёрда-мига ўрганиб қолгани, ташаббус қўра-тишдан йироқлиги, умуман олганда, бо-қимандаликка берилгани айни ҳақиқат. Бундай тоифадарга шахслар давлатга суяниб қолмоқда.

Тажрибадан келиб чиқиб айтиш ке-ракки, яхши яшаш учун, энг аввало, ҳа-ракат қилиш, боқимандалик кайфияти-дан воз кечиб, меҳнатсиз ҳеч нарсасга эришиб бўлмаслигини тушуниш лозим. Камбағаллиқни фақат давлат кўмаги билан бартараф этиб бўлмайди.

Маълумотларга қўра, 1990 йилларда Хитойда аҳолининг яримдан қўли кам-бағал бўлган. Яъни одамларнинг топган пули фақат озиқ-овқатига етган. Орадан йигирма-ўттиз йил ўтиб, аникроғи, 2021 йилда Хитой дунё мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб камбағаллик устидан тўлиқ ғалаба қозонганини эълон қилди.

Хўш, қандай қилиб тарихан қисқа фурсат ичида бундай мўъжиза юз берди? Олимларнинг таъкидлашича, Хитойда, биринчи навбатда, хусусий секторга, яъни тадбиркорларга усту-ворлик берилган. Давлат компания-лари сони кескин камайитрилиб, ху-суийлаштирилган. Натижада аҳолининг бандлиги ҳамда давлатнинг барқарор иқтисодий ўсишига эришилган.

Бунинг барчасига эса ўша меҳнат-каш хитой халқи билан эришилган. Бу давлатда бўлиб келган бир киши билан суҳбатлашганимда, аҳолининг меҳ-натқашлиги, давлат томонидан белги-ланган қонун ҳамда талабларга қатъий амал қилиши, доимо интилиш ва ўз усти-да ишлашга бўлган ҳаракатини кўриб ҳайратланганини билдирди.

Шунингдек, катта шаҳарларида ҳам соат 22.00 дан кейин электрик иқти-сод қилиш ҳамда хавфсизлик мақса-дида барча кўча, объект ва кўнгличор-масканларнинг чироқлари ўчирилиши ҳамда аҳолининг кўчага чиқмаслиги, такси, кафе, ресторан ва бошқа кўлаб хизматларнинг қўрсатилиши қатъий тартибда ман этилишини эшитиб ҳай-

рон қолдим. Булар фақат ёдимда қол-ганлари.

— Ҳаво жуда совуқ: -15 даража, ша-мол эса қаттиқ эсаётганидан кўчада юриш жуда хавфли эди. Меҳмонхона қабулидан кузатдим, одамлар ҳар кун-гидек скутерларда одатий ҳаёт тарзини давом эттираётган эди. Менга тушун-тирмоқчи бўлгани пиёда юриш хавфли, скутер билан-ку, қўяверинг. Тасаввур учун скутер ҳайдаётган эркакнинг кў-зойнаги музлаган, лекин у ишга бориб, смена алмашиши керак, бўлмаса, оқи-батини билади ва ишсиз қолади.

Хўш, бугун нега давлат барча маса-лалар ечимини маҳаллага туширапти? Жавоби оддий: маҳалла кимнинг қан-дай шароитда яшаётганини жуда яхши билади, демак, одамлар ўз муаммоси билан ўзи ёлғиз қолиб кетмаслиги ке-рак.

Нега давлат органлари, раҳбар-лар маҳаллаларда хонадонма-хона-дон юриб реал ҳолатни ўрганиш ишларини олиб борапти? Мақсад битта: бу-гун одамлар қайсидир давлат органига келиб, муаммосини, дардини айтишини кутиб ўтирадиган вақт эмас.

Шунга яраша одамлар ҳам боқиман-далик кайфиятидан чиқиши, ташаб-бус қўрсатиши, янги-янги ғояларни ўр-тада ташлаши, ислохотлар жараёнига дахлдорлик ҳисси билан яшаш — адо-латдан бўлади, албатта. Аслида, бугун камбағаллиқни қисқартиришда одам-лардан кўп нарса талаб қилинаётгани йўқ. Ташаббус қўрсатиш, берилган им-кониятлардан фойдаланиш, янги-янги ғояларни ҳаётга татбиқ этиш керак, хо-лос.

Яқин ўтмишимизда газ ва электр таъминоти асосий муаммоларимиздан бири эди. Пули бўлса-да, газ ёки электр ёқолмасдан оналаримиз рўзгор қили-шар, учоққа ўт қалаб умрлари ўтганди. Газ ҳамма жойга етиб бормаган, электр ҳам номига — яъни кўнига икки уч соатга берилар эди. Бугун эса бу маса-лани уйдан чиқмасдан, телефон орқали онлайн ҳал қилмоқдамиз. Янги имо-ратта чиқсангиз ёки бирор техник но-созлик бўлганда биргина кўнгирикнинг ўзида мутахассислар етиб келмоқда.

Бугун техник носозлик туфайли электр ёки газ бир соатга ўчгудек бўлса, дунё қоронғилашиб кетгандек камида ўн ки-шига кўнгирик қилинади, 4-5 та телег-рам группаларида бонг урилади. Хўш, нега биз бунчалар бесабр бўлиб боря-миз? Буларнинг барчаси шукур қилмас-лигимиз, бори-ни қадрламаслигимизда эмасмикан?

Ҳаётда турли камчилик ва нуқсон-лар бўлиши табиий ҳол. Улар секин навбат билан тўғирланапти. Биз бу-гун нафақат юртимизда, балки туман-имизда ҳам бўлаётган янгиликлар ва ўзгаришларни кўриб, ғувоҳи бўлиб бо-ряммиз. Бу, албатта, ҳар бир кишини хурсанд қилади. Аммо кўпчилигимиз қи-линаётган ишларнинг яхши томони қо-либ, камчиликларни қидиришга ўрганиб қолганмиз. Масалан, туманимизнинг марказий чорраҳасида автотранспорт воситалари ҳамда пиёдалар ҳаракат-ланиши тартибга солинид, шаҳар ичи ва ташқарисида светофорлар сони кў-пайди, бунда эса, албатта, тирбандлик-ларнинг олди олинмоқда. Бундан таш-қари, туман марказида жойлашган кў-чаларга темир панжаралар қўйилди, бозорлар яқинидаги пиёдалар ўтиш йў-лаклари ЙПХХ ходимлари назоратида. Аммо мана шу яхши шароитлар ҳақида ўйламасдан, бунга шукур қилмасдан, қаердадир бирор светофор ишламай қолса ёки бошқа бир муаммо чиққудек бўлса, қўлига телефон олиб, бонг ура-ди-ганлар ҳам анчагина. Ўзидан “блo-гeр” ясаб олиб, ўзини ижтимоий тар-моқларда ҳар хил муаммоларни олиб чиққандек кўрсатаётган, бундан фахр-ланаётганлар ҳам кўпайиб кетмоқда. Хўш, бундан дилхираликдан бошқа нима ҳам олардик? Қўлидан келса ёр-дам берсин, бўлмаса, масалани ҳал қи-ладиган мутасаддиларга қўйиб берсин! Шундай эмасми?

Бугун ҳаракат қилиш, билмаганини ўрганиш вақти. Давлат бунинг учун им-тиёз ҳам, маблағ ҳам берапти, илм ўр-ганиш учун барча шарт-шароит му-жассам. Шунчаки бефарқ бўлмасак, яратилган имкониятлардан самарали фойдалансак, уйимиз, кўчамиз, маҳал-лаимиз ободлигига имкон қадар ҳисса қўшсак, томорқани бўш қўймасак, ҳар бир ишга уйғоқ фикр, теран тафаккур билан ёндашсак бас. Ахир давлат фу-қаролар олдида масъул бўлгани каби биз фуқаролар ҳам она юртимиз ол-дида бурчлигимиз. Шундай эмасми?

Матлуба РАББИМОВА,
“Иштixon овози” газетаси
муҳаррири.

✓ ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Улуғнор туманида “Бобуршоҳ” фермер хўжалиги раҳбари Қодиржон ота Қўзиевни ўқувчилар жуда яхши танийди. Ота деб ҳурмат қилишади. Узоқроқ кўрмасалар, соғиниб қолишади. Қодиржон ота эса уларни набираларим деб эъзозлайди. Тез-тез мактабга болажонларни излаб боради. Нега дейсизми?

Қодир ота болажон инсон. Яна китоб муталаасини яхши кўради. Ўқиганда учраган ҳикматли ибораларни, тарбияга молик шеърларни катта бир дафтарига ёзиб боради. “Набирамга насиҳатлар” дастури бўйича ўқувчилар билан учрашганда бу ҳикматлар асқатади.

ЯХШИЛИК ШАРОФАТИ

У савобли ишни тумандаги 21-сонли умумтаълим мактабидан бошлади. “Набирамга насиҳатлар” деб номланган рангли тахлама (буклет)ни директорга кўрсатди. Донишмандларнинг илм, меҳнат, Ватанга муҳаббат, миллий қадриятга молик дурдоналари жамланган бу иборалар хусусида анча гапирди.

— Бир кунни белгилаб берсан-гиз, “Набирамга насиҳатлар” дарсини ўтардим. Синфдаги энг аълочи ўқув-чиларга совғаларимни берсам-у, йил давомида аълочиларнинг беш нафа-рига фермер хўжалиги номидан сти-пендия ажратсам?

Нуронийнинг бу таклифидан дирек-тор мамнун бўлди.

— Нима дердим? Зўр бўлади, ота. Таклифингиздан... гапнинг рости, қу-вониб шошиб қолдим. Бир соат эмас, имкон топиб, кўпроқ вақт ажратамиз.

Тайёрлаб боргани — рангли тах-лама буклетларни болаларга тар-қатди. Кўрган-кечирган воқеалардан сўзлади. Ҳикматларни шарҳлади. Ким илмга, ким ҳунарга қизиқишини биллиб олди. Ўзи ҳақида маълумотлар берди. Янгилик бошқа мактабларга ҳам тарқади. Отанинг муддаоси ҳам шу эди.

Режалари амалга ошаётганини тур-муш йўлдоши, унга ҳаммиса елкадош, хайрихоҳ Махфуззахон аяга айтди.

— Яхши ўйлабсиз, дадаси. Энди режани кенгайтирайлик. Бошқа мак-табдаги набираларингиз ҳам қолиб кетмасин.

Эр-хотиннинг юзларида нур бўлди. “Набирамга насиҳатлар” доимийга кўчди.


— Болалардаги ўзгаришлар се-



зилди, — деди 21-мактаб директори Мадина Алимқулова. — Қодир ота мактабимизнинг энг яқин одамига ай-ланиб қолди. Тумандаги барча мак-табларнинг “ёшларни оилага тайёр-лаш” сабоқлари ўтиладиган синф хо-наларига турли пишириқлар тайёрлаш учун энг замонавий электр анжоми совға қилди.

— Ҳатто ўзи туғилиб ўсган Балиқчи туманидаги мактаб болалари ҳам ота-нинг набираларига айланган.

Қодир ота Қўзиевнинг “Набирамга насиҳатлар” дарси асосидаги қатор учрашувлар туман, вилоят, ундан ошиб республикага ҳам тарқалди. Гоҳ “ойнаи жаҳон”да, гоҳ радиода, гоҳ ом-мавий ахборот воситаларида Қодир отанинг чиқишлари уюштирилди. Ху-сусан, Самарқанд вилоятининг Ишти-хон туманида нуроний Нарзулла Му-ҳамматов, Қашқадарё вилояти Қарши туманидан нуроний Абдуҷалил Эшон-қуловлар Қодир ота билан алоқа бог-



лаб, унга ҳавас қилганларини, агар ота тайёрлаган дастур ва рангли тах-лама (буклетлар)нинг электрон ва-риантларини олишса, ўзлари кўпайти-риб, ўқувчиларга тарқатиб, шу асосда улар ҳам “Набирамга насиҳатлар” мавзусида “уч авлод учрашувлари”ни ўтказишларини айтишди.

Яхшининг шарофати деб шунга ай-тадилар-да, Қодир отанинг ташаббуси энди уч вилоят ўқувчи ёшларига зиё, таълим-тарбия бериб қанот ёза бош-лади.

Қодир ота 45 йил аввал чўлни ўз-лаштириш учун Балиқчидан кўнгилли бўлиб келган 2006 йилдан буюн “Бо-буршоҳ” деҳқон фермер хўжалигини бошқаради.

Улуғнор Андижоннинг деҳқончи-лиги мушқулроқ чўл зонаси ҳисоблан-ди. Ерларидан зўрга 15-18 центнер пахта олинади. Инсондан чекиммаган чўл борми?! Фермер ўтган йили гекта-ридан 30 центнердан сифатли пахта

хом-ашёси олди.

Бугун “Бобуршоҳ” фермер хўжа-лиги ерларида гул гиёҳи гуркираган, дарахтлари соя бера бошлаган. Бобо-деҳқонлар даромади кўпайган.

Қодир отанинг яна бир эрмаги — дарахт гул экиб кўкартиришни яхши кўради. Ҳар йили фермер хўжалиги маблагидан 50 тул, баъзан ундан ҳам кўпроқ кўчатлари билан учта-тўртта мактабга нуроний дўстлари билан бо-риб кўчат экиш тадбирини ўтказди. Болаларга табиат, атроф-муҳит тоза-лиги ва бу тозаликнинг инсонлар са-ломатлиги учун зарурлиги ҳақида тўп-лаган ҳикматли ибораларидан айтиб, мазмунини шарҳлаб ҳам беради.

Энг муҳими, дарахтларни экади-ю, шу бўйи “иш тамом” демайди. Дарахт-лардан хабар олади.

Эккан мевали дарахтлари ҳосилга кирганда ҳосил олдида мактаб аҳли Қодир отага илинадилар.

— Мактабдаги набираларим ўзи эк-кан дарахтидан фахрлиниб мева кўта-риб келганларидан хурсанд бўлдим, — дея севинади отахон.

Қодиржон ота юртимизда бу йил “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқ-тисодиёт йили” деб номлангани ша-рафига ҳар йилгидан кўпроқ кўчат тайёрлаб, ташкилотлар, мактаблар, бо-лалар боғчаларига улашди. Нуроний дўстларини ёнига олиб, кўчат экиш тадбирларини ўтказди.


Қодиржон Қўзиев каби саховатли нуронийлар дуоғўйлар бор бўлсин! Уларнинг ҳаёти ибрат мактабидир.

Замира РЎЗИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
азъоси.

✓ ХОТИРА

ОДАМ ИЗЛАГАН ШОИР

Баҳодир Исони таниганлар, унинг шеърларини ўқиганлар ўзбек адабиётининг истеъдодли ва камтарин ижодкорини кўз олдида келтиришлари аниқ. У ўсиб улғайган Риштоннинг Дутир қишлоғини жуда яхши кўради. Шунинг учунми, унчалик узоқ бўлмаган Қўқонга ҳам, Фарғонага ҳам бориб ишлагиси келмади. Пойтахтдаги қизғин ҳаётни ҳам хушламади. Уни яқиндан билганлар яхши инсон ва яхши шоир деб баҳо берардилар.



таъкидланганлигини дарров сезади. Шоир ҳаётга ўзига хос синчковлик билан қарайди. Кузатувчан. У бугунги кунда дунёда меҳр қаҳат бўлиб қолганлиги-дан куйнади, лекин тушкунликдан узоқроқ яшаш учун яхшилар борлигига ҳам ўқувчини ишонтиради, кўз олдида келтириб қўяди.

Бу бешафқат дунёда Яхшилар бор, яхшиям. Меҳр қаҳат дунёда Яхшилар бор, яхшиям.

Мард ишонар аҳдига, Гадо ризо нақдига. Баҳодирнинг бахтияга, Яхшилар бор, яхшиям.

Баҳодир ўзи яхши инсон эди. Шунинг учун шоир бахтияга яхшилар борлигини ишонч билан айтади. Баҳодирнинг шеърларида ўзини қандай билса, шун-дайлигича қўрсатишга ҳаракат қилади. Шеърларида шоир ўз шахсини асло аяб ўтирмайди. Холис, танқидий ёндашади. Ҳамманинг ҳам қўлидан келавермай-диган ҳолат бор. Ахир инсон зотида кўпинча ўзига баҳо берганда “мен яхшиман, мен ҳаммадан зўр-ман” деган қарашлар борлиги ҳам сир эмас. Шу ерда Баҳодирнинг шеърларини ўқиймиз:

Мени яхши кўрганлар кўп, тўғри, бироқ Жини суймай юрганлар ҳам ундан кўпроқ.

Демак, ёмон одамман деб куюнмай ҳам, Жуда яхши одамман деб суюнмай ҳам.

Тарозига қўйилганда фақат амал, Яхшилигим оғир келса бўлди сал-пал...

Камтарлик ҳам шунча бўларми? Яшашдан мақсад не? Ҳисоб-китобли дунё дейдилар. Шоир ўз сатрла-рида одам ҳар бир ҳаракати учун жавоб беради дея

хушёрликка ундайди. Минг афсус, ана шу ҳақиқатни унутаётганлар ҳар қадамда бор.

Тушгач умр китобимга сўнгги нуқта, Ҳаммағизни тарк этаман худди йўқдай...

Ҳа, шунақа, Мендан сира ҳадик олманг... Гап — шу. Боринг, Энди сиз ҳам, Йўлдан қолманг!

Баҳодиржон дунёдан ўтган кунлари Қобилжон ака деган ҳайдовчи танишим уйга қайтаётганимизда менга қараб: “Кеча бир шеърни эшитиб кетдингиз. Ҳаёлингиз, кайфиятингиз бошқача эди. Ўша шеърни ёзиб беролмайсизми?” — деб қолди.

“Бўлади, телефонимдан кўчириб, ёзиб бераман...” Ўша кеч уйқум қочиб кетди. Ўйга қайтишда Ба-ҳодирнинг ўзи ўқиган шеърни ижтимоий тармоқдан кўзда ёш билан тинглаб кетгандим. Ака ҳам мен би-лан бирга тинглаганига эътибор бермабман. Қобил ака нега Баҳодирни, унинг шеърини сўраб қолди? Ахир ҳозир китоб ўқийдиганлар камайган, кўчада ки-тоб кўтариб юрганлар устидан куладиганлар кўпай-ган бир даврда шеър эшитадиган, уни ёзиб олмоқчи бўлган, яна, кимсан, вақти тигиз ҳайдовчини учра-тиш... Демак, ҳали шеърятни тушунадиган юраклар кам эмас экан. Мана ўша шеърдан парча:

Уни сизладим мен, Бун сизладим мен. Одамлар ичидан одам изладим. Шайтонларга учраб, куйдим, музладим, Одамлар ичидан одам изладим...

Қашиқларл кутурди, Кўппаклар журди... Чёнларл чакай деб изимдан юрди... Ургимчак ичини кўзимга курди, Одамлар ичидан одам изладим...

Менга одам керак! Ҳақиқий одам! Топсам, юрагимдан қувилар мотам... Оёқланг қўйиб чўғларга қадам, Одамлар ичидан одам изладим...

Ҳақиқий одам излаш учун чўғларга оёқланг қа-дам қўйишга рози бўлган шоир ғажарим Баҳодир Исо. Яратган эгмадан дуо билан сўраймиз, илоҳо жойлари жаннат боғларидан бўлсин!

Анвар АБДУВАЛИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган
журналист.

ЁДНОМА

ТИРИК ХОТИРАЛАР

1-6

30 ноябрь

Тошкентда Диний идора хузурида “Совет мусулмонлари” журнали чиқади. Мен бу журналга мақолалар ёзиб қатнашиб тураман. Бугун бошқармага бориб, муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон билан тасодифан учрашиб қолдим. Қори ака менга отам билан бўлган икки учрашув ва суҳбат тўғрисида сўзлаб берди.

Учрашувнинг бири 1933–34 йилларда қори ака Ёзувчилар уюшмасининг боғи (Инжикобод)да боғбонлик қилиб юрган чоғларида, иккинчиси боғ кўшимиз Ҳидой махсум деган кишининг уйда меҳмондорчиликда бўлган экан. Қори аканинг берган маълумотлари асосли ва қийматли. Мен у кишига шу учрашув ва суҳбат маълумларини ёзиб беришини илтимос қилдим. У киши ваъда берди.

1 декабрь

Эрта билан аёлим: “Бугун якшанба, бўшсиз. Уйни жуда қоғоз-китоблар босиб кетибди. Шуларни бир тартибга солиб, кераксизларини чиқариб ташласангиз, уй анча бўшар эди”, деди.

Унинг гапи маъқул тушди. Уйга кирдим. Ҳақиқатан ҳам уйни қоғоз-китоб босиб кетган эди. Ишни нимадан бошлашни билмас эдим. Чунки ҳар бир қозони кўздан кечириб чиқиш керак. Бунга эса вақт ва юрак керак. Шу ўринда отамнинг замондоши бўлган журналист Нодир Назаров деган дўстимнинг гапи эсимга тушиб кетди.

– Бир кун қарасам, уйим “керак бўлади”, деб йиғиб қўйган папка-папка қоғозларга тўлиб кетибди. Уларни яхши, ёмонга ажратиб, уйни сал бўшатиб, тартибга солмоқчи бўлдим. Бир папкани очиб, қоғозларни керак-кераксизга ажрата бошладим. Ҳар бир қозони ўқийвериб, қарийб уч соат вақтим кетибди. “Эҳҳе, ҳали бу ёқда 20–30 папка бор. Ҳаммасини бундай ўқиб ўтирсам, бир йил вақт ва бир қоп юрак керак”, дедим. Кўзимни чирт юмиб, папкаларни очмай, қучоқлаб ҳовлига олиб чиқимд-да, ўтга ташлаб қўқавердим. Ишни тугатиб, неча йиллик ташвишлардан қутулиб, анча енгил тортдим. Чунки папкаларда ниятланиб ёзмоқчи бўлган ҳикоя, қисса, романларимга йиққан материаллар бор эди, – деб ҳикоя қилганди.

Бироқ мен Нодирхон акадек қилолмадим. Чунки мендаги материалларнинг кўпчилиги отам ҳаётини, ижодини, асарларини тўлиқроқ асқ эттиришда, тиклашда тарихий аҳамияти бор ҳужжатлардир. Ўз ижодимга тегишлиси жуда оз. Қоғоз жилдларда асосан отамнинг 1914 йилдан то 1937 йилгача матбуот (газета ва журналлар)да чиққан майда асарларининг ўша вақтдаги подшивкаларидадан қўчириб олинган кўпёзмалар ва машинкада кўчирилган нусхалари. Ундан ташқари, ўзим ёзган асарларимнинг асл нусхалари. Яна папкаларда турли-туман ҳужжатлар. Мана улардан бири: 1938–1939 йилларда русча ёзилган ҳужжат-ариза. Ойим бунда отамнинг ноҳақ қамалганлигидан арз қилиб Москвага СССР Олий прокуратурасига ёзади ва отамнинг иши қайтадан текширилишини сўрайди... Ойим яна бир аризасида Тошкент шаҳар советига ариза ёзиб, ўзининг Тошкентда қолдирилишини, яна бир аризасида район милиция ташкилотига ёзиб, ўзини ўз уйига қайта рўйхатдан ўтказишни бошлиқдан сўрагани... Бу ҳужжатлар мени бундан қарийб қирқ йил аввал кечган машъум хотиралар дарёсига чўмдирди...

Хотирамда, ўша йиллар шахсга сиғинишнинг энг авжига чиққан йиллари эди. Сталин Кремлда ўтириб, ташқарида нима бўлаётганини эҳтиمول билмас ҳам эди. Ежов, кейинроқ Берия деган шахслар Ички ишлар комиссари бўлиб олиб, халқ устидан хоҳлаганича ҳукморонлик қилар, хоҳлаган одамларни қамар, хоҳлаганларини афв этар эди. Марказий Қўмита ҳам (Сталиндан бошқаси) бу икки шахсга ботиниб бир нарсга деа олмасди. Ўзбекистондан Акмал Икромов, Файзулла Ҳўжаев ва шунингдек, кўпгина сиёсий арбоблар, зиёлилар қамоққа олинган. Сотқин, иродасиз шахслар эса тухмат ясаб, соф виждонли кишиларни қаматгандан-қаматиб, ўз жонини сақлар эди. Бундай тухматчи сотқинларга жуда катта ҳуқуқ ва имтиёзлар ҳам берилганди.

Отамнинг ҳамма ёрига яра тошиб кетган, мен ҳам бел оғрига бўлиб болохонимизда гипсда ётардим. 1937 йил 31 декабрь кечки соат ўн бирларда иккита ҳукумат кишиси маҳалламизнинг раиси... билан келишиб, уйимизни тинтиб, отамни қамоққа олиб кетишди. Келувчилар бир чемодонга баъзи хат-ҳужжат, газета-журналларни солиб, ов милтиғимизни олиб, отам билан ўйнаб кетдилар. Отам бошларига дўппи, устиларига жаргаран гимнастёрка, шим, махси-калиш, қизғиш пахталик тўн кийиб, қўлларига бир пар ёстиқ билан битта аёёл олибдилар. Отамни шу кетганича бошқа кўрмадик. Олиб кетишга келган ҳукумат одамларининг бирининг миллати татар экан. Унинг фамилияси Тригулов эди, терговчи экан.

Отам олиб кетилган, ойим бир неча бор ош-таом олиб борса ҳам олмадилар. Бирон-бир хат орқали алоқа ҳам қилимадилар. Отамга қўйилган айб ўша вақтда расм бўлган “халқ душмани”, “аксилинқилобчи”, “миллатчи”, “чет эл жосуси” бўлди. Аммо буларнинг биронтаси ҳам отамнинг шаънига тўғри келмайдиган, мутлақо уйдирма, бўхтон айблар эди.

Албатта, оила бошлиғи кетгач, уй-рўзгор ишларида бирмунча етишмовчиликларга дуч кела бошладик. Олам – Назифа турмушга чиқиб кетган. Мен 18–19 ёшларда, ҳали бирон ишининг бошини тутган эмасман, унинг устига касалман. Укам, сингилларим ҳали ёш. Ойим эса умрида қўчага чиқиб ишламаган, касалманд бир аёл. Отамни олиб кетишаётганида унинг бизга ташлаб кетиш учун беш-ўн сўм пули ҳам йўқ эди. Чунки у касал бўлиб анчадан

бери ёзмас, ишламас эди.

Бизнинг ишонганимиз фақат богдан келадиган даромад бўлиб қолди. Бунинг устига, бизга ҳамма “халқ душманининг уйи, оиласи, боласи” деб бармоқ билан қўрсатиб қарашларини айтмайсизми? Уйимизга ёр-дўстлар, ҳатто баъзи қариндош-уруғлар ҳам келмай қўйишди. Бир кўшимиз кўшничилик қилиб очиб қўйган туйнугини лой-кесак билан уриб, суваб олди...

Ёдимда, ўша йилларда маҳалламиздаги бир киши (бу киши ҳозир чойхоначилик қилади) нимадандир гап чиқиб, менга: “Энди, сенларнинг ёстиққа суяниб пул топадиган вақтларинг ўтиб кетди”, деган эди. (Отамизнинг хотирлашларича, бобомиз гоҳида ёстиқни бағирларига босиб, ётвониб ижод қиларканлар – **Ш.Қ.**)

Ёнимизда Қодир хумдончи (уни “Қодир ўлик” деб ҳам аташар эди)нинг катта ерига 1930 йиллар бошида ёзлик пионер лагери қурилганди. Отам қамалгач, шу лагерь бошлиқлари бизнинг боғ-уйимизни ўзларига қўшиб олмоқчи бўлдилар. 1938 йилнинг авжи пишиққанда, иссиқ ойларининг бирда лагерь директори райисполкомнинг қарорини кўтариб келиб, бизнинг жойимиз давлат ихтиёрига олинганлигини, уч кун ичида бўшатиб, қўчиб чиқиб кетишимизни, агар қаршилик қилсак, милиция қақириб қучириб юборишини маълум қилди. Бу иш ўзимизнинг маҳаллий ташкилотлардан чиққан иғво-найранг эканлигини билар эдик. Ҳатто қўчириб юбориш учун ўнлаб милиция бошлаб келишди. Барибир биз чиқмадик.

Мен Лидия Евгеньевна Соцердотова деган кадрдон таржимон рус танишмишга бориб, воқеани айтдим. У бир ариза ёзиб, мени республика прокуратурасига олиб қикди. Уй-жойлар бўйича шикоят қабул қилувчи бир кекса рус прокурор аризамни ўқиб кўриб: “Агар уй-жой ўзининг хусусий мулки бўлса, қолдирилсин”, деб имзо чекиб берди. Шундан сўнг “даъвогар”лар бир нарсга қилолмай, чўлдираб, тинчиб кетишди. 1938 ёки 1939 йили эди, шекилли, ёз ойларида яна бир муаммо қилиб қолди. “Тошкентни ишонсиз шахслардан тозалаш”, деган шior остида аҳолини маҳаллалар бўйича қайтадан уй-дафтарига ўтказдилар. Милиция ташкилотидан қўйилган махсус киши ҳар бир кимсани ўз хонасига қақириб тергов қилар, агар у шахс судланган, қамалган ёки бирон ишонсиз кимса бўлса, ўз уй-дафтарига қайд қилинмай, Тошкентдан эзлик километр нарига чиқариб юборилар эди. Табиий, биз ҳам “душман” оиласи бўлганимиз учун бутун оила уйимизга қайта рўйхатдан ўта олмадик. Арман миллатидаги милиция вакили мен билан онамга: “Тошкентда яшашга ҳақларингиз йўқ”, деди. Шундан сўнг мен ойим номидан бизга шахарда яшашга рухсат беришларини сўраб ариза ёзиб, Тошкент шаҳар советининг раиси Хусайновнинг хузурига қикдик. Хусайнов бизнинг Норбувиш хола деган боғ кўшимизининг яқин қариндоши эди. У ёшлигида ёш кунларида Норбувиш холаникига келганида уйимизга чиқиб ўйнаб юарди. Бизни яхши танирди. Бироқ унинг қабулига кирсак, “шайтон”лаб, бизни танмай қолди... Она-бола муродимизга етолмай қайтдик.

Шундан сўнг бу масалада ариза ёзиб, Сталин район милиция бошлиғининг олдига кирдик. У семиз, қўзойнакли бир рус киши экан. Аризамизни ўқиб, қўлимизга қайтариб берди-да, сўради:

- Ҳозир қаерда турибсизлар?
- Ўз уйимизда.
- Уйингизга ҳеч ким “Кўч!” деб келмаяптими?
- Йўқ.
- Бўлмаса, ўтираверинглар! – деди.

Биз шу кунгача ўз уйимизда ўтириб келамиз. Ойим ўша йилларда отамни оқлаш тўғрисида бир нечта жойларга ариза ёзди. Бироқ бу аризалар оқибатсиз қолди.

Мен 1937 йилда имтиҳон топшириб, Тошкент медицина институтига кирган ва икки-уч ой ўқиб, белимдаги касалим қўзғаб қолгани учун ўқишдан бир йилга рухсат олиб гипс қара-вотга чалқанчасига ётдим.

1938 йилнинг май ойларида ўрнимдан турдим ва сентябрдан ўқишни қайтадан бошлаб юбордим. Бироқ яна икки-уч ой ўқигач, уни тўхтатишга тўғри келди. Бунинг сабаблари кўп эди: дарсларда узоқ қадалиб ўтирсам, белим оғрир эди. Ундан ташқари, уйим касал, уй-рўзгор ишлари менинг бўйнимда, бунинг устига, оилада бетинчлик... Қулоққа дарс кирмас эди. 1939–1940 йиллар ўқув мавсумида Тошкентдаги “Шелковичная” кўчасидаги ИПКНО (халқ таълими мутахассисларини тайёрлаш институти) деб аталувчи бир йиллик ўқитувчилар тайёрлаш курсининг география бўлимига ўқишга кириб, яхши-аъло баҳолар билан битириб қикдим. Бундан мақсад, тезроқ бир ихтисос эгаллаб, оилага ёрдам бериш эди. Бироқ ўқишни тугаллагач, районларга бориб ишлаш менга тўғри келмади. Ундан ташқари, умуман, ўқитувчиликка ўзимда бир ҳавас тугилмади.

1940–1941 ўқув йилда Самарқанд тиббиёт институтига бориб ўқидим. Мақсадим уй-рўзгор ташвишларидан бироз нарироқда тинчроқ ўқиш эди. Дарҳақиқат, унда ўқиш тинч ва яхши борарди. Бироқ 1941 йилда уруш бошланиб қолди. Яна уйга қайтиб келишга ва уруш сабабли бошланган қийинчиликларда оилага кўмаклашишга, касал ойимнинг олдига бўлишга тўғри келди.

Хотирамда, Самарқандда Эски намозгоҳдаги ётоқхонада яшардим. Аммо ўзимни ҳеч кимга таништирмас эдим. Шаҳарда Садриддин Айнини бир неча бор кўрдим. Бироқ бориб у кишига ўзимни танитишни маъқул кўрмадим. Баҳор кунлари бўш чоғларимда баъзан ёлғиз, баъзан курсдошларим билан бирга Самарқанднинг тарихий обидаларини томоша қилишга чикар эдим. Кўпинча “Чашма” деб аталувчи чойхонада ўтириб дарс тайёрлар эдим.

Бир куни шу чойхонада ёлғиз ўтириб китоб ўқирдим. Мендан нарироқда беш-олтита қиз-жувон аралаш нотаниш йигитлар ош пиширишар эди. Чамаси, улар ЎзГУнинг тил-адабиёт факультетининг талабалари эди. Мен уларга орқа ўгириб ўтирар эдим. Йигитлардан бири келиб мени ошга таклиф этди. Рад этишга сабаб йўқлигидан, ночор ўрнимдан турдим... Ош ейишиб ўтириб, бириси мендан:

- Янгилишмасам, сизнинг исмингиз Ҳабибулло-а? – деб сўради.
- Ҳа. Қаёқдан билдингиз? – дедим.
- Нега билмайлик? Сиз севимли ёзувчимизнинг... ўғилларисиз, – деди.
- Ошга таклиф этишганларидаёқ улар мени таниганликларини сезгандим. Лекин “фалон-чининг ўғли” деган гап тарқалишини истамас эдим. Шунинг учун ёлгонладим:
- Сиз айтётган ёзувчи менинг амаким бўлади.
- У кишининг ўғиллари ТошМида ўқийди-а? – деб сўради у.
- Ҳа. Ўғилларининг исми Ҳабибулла эмас, Ҳамидулла, – деб жавоб бердим...

Шундай қилиб, оғир уруш йиллари бошланди. Яроқли кишиларнинг ҳаммаси урушда. Қолганлари жангга қурол-яроғ, озиқ-овқат, кийим-кечак етказиб бериш учун завод-фабрикаларда, колхоз-совхозларда, конларда ишлашарди.

Немис босқинчилари урушнинг биринчи даврларида қилиб келиб, Совет тупроғига чукүр кириб келдилар. Босқинчи немисларнинг ваҳшийлиги шундай бўлганки, улар қайси шаҳар-кишлоққа бостириб кирмасинлар, биринчи галда яхудий миллатини қирганлар. Шунинг учун инсонпарвар бизнинг давлат қайси шаҳар-кишлоқни ташлаб орқага чекинаркан, аввал яхудий халқини асраш учун орқага, айниқса, Урта Осиё ўлкаларига кўчирарди.

Тошкентга кун сайин вагон-вагон яхудийлар бола-чақалари билан келтирилар эди. Ҳукуматимиз уларга раҳм-шафқат қилиб, қарши опар, одамларнинг бўш уйларига, ҳатто чойхоналарни бўшатиб жойлаштирар, иш билан таъминларди.

Шундай қилиб, миллионлаб яхудийлар ўлимдан сақлаб қолинди. Мен ҳайронман! Энди Исроил давлати шундай олийжаноблик қўрган Совет давлатига раҳмат айтиш ўрнига, негадир адоват сақлаб келади. “Яхшилик қилган кишининг ёмонлик қўрсан”, деган қадимийлар гапи балки ҳақмикин?!

Уруш йилларида, айниқса, озиқ-овқат танқислиги сезиларли эди. Ҳамма нарсга ўлчовли, заборига қарточка билан бериларди. Мен бел оғриғи касалигим тўғрисида ҳарбий хизматга олинмадим. Оғир ишга ярамайман. 1943 йилнинг 3 мартда Раҳбарбону онам ўпка сили касаллигидан вафот этдилар.

Ойим вафотидан сўнг бирор йилдан кўпроқ вақт (1943–1944 йиллар мёнёнасида) Тошкент темир йўлида кузатувчи (проводник) бўлиб ишладим.

Бироқ шифокор бўлиш орзуим ҳеч қаерда ишлашга рағбат бермасди. 1944 йил сентябрдан яна ўқишга қайтдим. Шу йили САГУ (Урта Осиё давлат университети) қошида Шарк факультети очилди. Ўқиш у ерда кечки эди. Мен форсчадан бир оз хабардор бўлганим учун, бу тилни мукаммалроқ ўрганиш мақсадида ҳафтада икки-уч марта эркин тингловчи сифатида ўқишга бориб юрдим.

Ўқишларим яхши борарди. 1945 йил 9 май куни машъум уруш ғалаба билан тугади. Ўша кун байрамга айланди. Ҳамма хурсанд. Халқ Қизил майдонга тўпланган, бир-бири билан қучоқлашиб: “Ғалаба!” деб қичқиради. Бироқ ғалаба бўлган бўлса ҳам, уруш оқибатларини тугатишдек ҳаддан ташқари буюк меҳнат вазиисиз халқимиз олдига турарди. Лекин бу вазифа, ҳар ҳолда, уруш эмас эди...

1945 йилнинг 28 май куни эди. Кечки пайт ўқишдан қайтиб уйга келсам, эшик олдига мени бир ҳарбий киши кутиб олди. Мен у билан қўришиб, ҳайрон бўлиб уйга таклиф қилдим. У мен билан бирга ҳовлига кирди. Уйимизда ҳам бир ҳарбий киши укаларимни бир уйга қамаб, ҳеч қаёққа қичармай ўтирган экан. Улар мени қамоққа олгани келишганди...

Тинтув чоғида уйимиздан қуйдаги адабиётларни олдилар:

1. “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Обид кетмон” асарларининг кўпёзмалари (қарийб уч минг қоғоз).
2. “Муштум” журналининг 1924–1925 йиллардаги тўлиқ тўпланган нусхалари.
3. Араб имлосида босилган жуда кўп эски газета ва журналлар (буларда отамнинг мақола ва асарлари босилганди).
4. “Бахтсиз қувъ”, “Жувонбоз” асарларининг биринчи босмасидан бир неча нусхалар.
5. Отам асарларининг араб ва лотин алифбосида ва бошқа тилларда (масалан, тожикча ва русча) босилган ва қайта нашр этилган нусхаларидан намуналар.
6. “Амир Умархоннинг каниз” тарихий романига тўпланган маълумот-материаллар.
7. Суратли альбомлар.
8. Ов милтиғи ва “Атлас командир” номли географик карта китоби (нархи 100 рубль), Саъдий, Хондамир (“Равзат ус-сафо”), “Эргашхон тарихи”, “Бобуронома”, Жалолиддин Румий (“Маснавий”), “Баёз” (бир нечта баёзлар), “Қалила ва Димна”, “Умар Хайём” (рубойилари), “Ғиёсиллўғат” (бир неча жилдлик), “Қомус” (туркча бир жилдлик), “Ленин” (рус тилида бир жилдлик катта китоб бўлиб, 1924 йилда босилган, Лениннинг вафотига бағишланган, жуда кўп расмлар берилган), Абу Али ибн Сино фалсафаси (кўпёзма бир жилдлик), Фаридиддин Аттор “Чор китоб”, “Юсуф ҳўжа Сарёмий” (шеърлар тўплами 1-китоб), Қуръон китоблари; турли даврларда турли хаттотлар тарафидан

Ҳабибулло ҚОДИРИЙ

олтин ҳарфлар билан ёзилган, 8 дона (буларнинг ёзилишининг ўзи бир аjoyиб санъат эди), Дехлавий “Чор дарвеш”, Ҳўжа Ҳофиз, Ибн Халдун (тарих), “Қомус ул-лўғат” (туркча 4 жилдлик), Саҳиҳи Бухорий (2 жилдлик) ва Навоий, Низомий, Фирдавсий, Бедил, Жомий каби шоирларнинг жуда кўп асарлари (жами икки юздан зиёд китоблар). Шунингдек, менга тегишли турли ёзишма хатлар олиб кетилди.

Мени ички турмага қамаб, сўроқ бошладилар. Кейинчалик билишимча, қонунга биноан, айбдор (асли, гумондор шахс – Ш.Қ.) қамоққа олингандан сўнг етти ёки ўн тўрт кун ичида унга айбнома эшиттиришлари керак экан. Бироқ менга “Гуноҳингни сўзлаб бер”, деб баъзан баъзан қақириб сўроқ қилсалар ҳам, айбномани ўқиб эшиттирмас эдилар. Тўғриси, менинг қандай гуноҳим борлигини ўзим билмасдим. Улар ҳам билишмас, мени нима билан айблагша ўзлари ҳам ҳайрон эдилар. Ниҳоят ўн бир ойдан сўнг менга айбнома ўқиб эшиттирилди. Айбим шулар экан:

1. Мен айбдор кишининг ўғли эмишман.
2. Ўқиш таққиланган отамнинг асарларини уйимда сақлаган эмишман.
3. Ҳукуматга қарши ташвиқот юргизган эмишман.

Мен биринчи ва иккинчи айбимни бўйнимга олдим. Аммо учинчиси тухматлигини айтдим ва гувоҳчиёт талаб қилдим. Бир ариям йил қидириб гувоҳ топа олмадилар. Ниҳоят, ишимизни тамомлаб (Биз етти талаба “бирга шерик” қилиб қамоққа олинган эдик) судга оширдилар.

Бироқ суд ишимизни қўриб чиқиб, жазолашга етарли далил йўқлиги сабабли қайтарди. Шундан сўнг тергов ташкилоти судсиз, ўша пайтда ташкил қилинган “уч”ликнинг қарори билан менга ўн йил муддатга қамоқ жазоси берилди. Шундай қилиб, мен ички турмада ўн тўққиз ариям ой ўтирдим, сўнг қамоқ лагерларига жўнатиладим.

Россиянинг Свердлов вилояти, Серова тумани, Сосьва кишлоғи (Шимолий Урал)да маҳкумликни бошимдан ўтказдим. Урмонда қарағай кесдим, фельдшерлик қилдим. Тўғриси айтсам, гарчи тутқунликда бўлсам-да, Русиянинг аjoyиб табияти менга жуда ёқиб қолди. Унинг ёзи ҳам, киши ҳам бир-биридан гўзал. Опоқ қорли киши, баҳор чоғидаги белоён хушбўй ўрмон манзаралари, брусник, черешня, земляника сингари ер мевалари бир умр ёдимдан чиқмайди. Ҳамон ўша ерларга бориб бир кўздан кечиргим, ўрмонларини кезгим келади.

Мен у ерда бир-биридан 10–12 километр йироқликда бўлган: Тесьма, Воробина, Ёрва, Шабурова, Агаповка, Гарина деган кишлоқларда бўлдим. Улар шундай ўрмон ичида, бир-биридан гўзал, хушзаво, тинч. Одамлари содда, бақувват, ҳусндор. Бу кишлоқларнинг ҳаммаси катта, секин оқувчи, мусаффо сувли дарё ёки дарёчалар ёнида қурилган. Уралнинг киши совуқ. Мен 57 даражага чиққан совуқни ҳам кўрдим...

Маҳкумлик давримнинг беш йилини Қарағандада ўтказдим. Унда фельдшерлик қилдим, шахтада кўмир қазидим. Албатта, Қарағанда ҳавосини Урал ҳавоси билан қиёслаб бўлмайди. Қарағанда дарархтсиз дашт ерда янги қурилган шахар. Ҳавосида кўмир чанглари қўлигидан оқ қўйлаб қийсанг тез қораяди. Қарағанда мамлакатнинг кўмир конларига бой ерлардан биридир.

1954 йилнинг 30 декабрида беш ойи кам ўн йилдан сўнг, (яхши хизмат қилганим учун қамоқ муддатини беш ойга қамайтирилди) озодликка қикдим. Мени Қарағандада сургунда яшашга қолдириб, алоҳида уй бердилар. Шахтинский районидидаги бир шахтада фельдшер бўлиб ишлай бошладим. 1955 йилнинг 20 февралда уйимга қайтишимга рухсат бердилар.

Мени тўсатдан қақириб рухсат беришларининг сабаби, Сталин 1953 йилда вафот этади. Ички Ишлар Вазири – Берия ишдан олиниб, халққа қилган зулми, Ватанга қилган хонлиғи учун қамоққа олинади. У суд қилиниб, отиб ташланади. Шундан сўнг ноҳақ қамалган кўп кишиларннг иши қайта текширилиб, қамоқдан озод этила бошладим.

Қамоқдаги ҳаётим тўғрисида шуларни айта оламанин, қамоқ – бу ўзига хос бир ҳаёт мактаби экан. Университет экан... Мен қамоққача бўлган давримда гўё ҳеч нарсани билмайдиган, ҳаётнинг қадрига етмайдиган гўдак эканман. Қамоқда мен турли-туман миллат вакиллари билан яшадим, энг олийжаноб кишилар, олимлар билан суҳбатда бўлдим. Энг пастарин-жўн шахслар билан муомалада бўлдим. Турмушининг аччиқ-чучугини тотдим. Кўп мутолаа қилдим, рус тилини қучук ўргандим. Форсча-тожикча сўзлашганим ўргандим. Тиббиётга оид китобларни кўп ўқидим. Давлатимизнинг туб сиёсати мағзига тушундим. Ҳаммадан ҳам кишилар билан қандай муносабатда бўлишни бир қадар ўргандим.

Февраль ойининг охирида Тошкентга қайтдим. Бироқ бу ерда ҳамон Сталин, Берия сиёсати ҳукм сураар, Ҳавфсизлик ва Ички ишлар ташкилотларининг “аксилинқилобчи”, “халқ душмани”, “хонин”, “миллатчи” деган васвасалари зўр эди. Бу васвасалардан халқ кўрқиб қолган. Айниқса, бизнингдек қамоқдан чиқиб келганларга кун йўқ. Айғоқчиларга Худо берган. Ахир эҳтиёт бўлинмаса, биздақа беш-ўнта “душман”лар, немис фашизмидек зўр бир душман тор-мор қилолганан Совет давлатини “бармоқ учида” ағдариб ташлаши мумкин эди-да...

Уйга қайтганимнинг учинчи куни эди. Ариям кечада ухлаб ётсам, кўча эшигимиз қаттиқ тақиллади. Чиксам, тўртта киши турибди. Уларнинг биттаси маҳалламизнинг машхўр айғоқчиларидан бўлиб (бу киши яқинда итдек хор бўлиб, халқ назаридан қолиб ўлди), қол-



ган учтаси хавфсизлик ташкилоти ходимлари экан. Улар ҳужжатларимни текшириб, йигирма тўрт соат ичида Тошкентдан чиқиб кетишимни буюрдилар.

Мен Чиноз қишлоғига бориб, олти ой яшадим. Бу вақтлар ичида ҳукумат Сталин ва Бериянинг “шалтоқлари”ни анча тозаллаган, хавфсизлик ва ички ишлар ходимлари анча жиловланиб, юмук кўзлари очилганди.

1955 йилнинг 1 сентябридан Охунбобоев номидаги тиббиёт техникумида ўқиб бошладим. Чунки менинг фельдшерлик ҳужжатим йўқ эди. Тиббиёт институтига бориб ўқишни давом эттириш ҳаёлимга ҳам келмади. Чунки ёшим анча катта бўлиб қолганди.

1956 йили 5 августда 38 ёшда уйландим. Аёлим кўшимизнинг қизи, тиббиёт техникумида ўқир эди.

Мен 1955 йил май ойида Ҳарбий прокуратурага “Отамни оқлаш”ларини сўраб ариза ёзиб бордим. Отамнинг ишини текшириш жараёнида мени бир неча бор қақириб тегишли ҳужжатлар олишди. 1956 йилнинг куз ойида текшириш ишлари тамом бўлди. Отамнинг гуноҳи йўқлиги аниқланиб, иш Москва Ҳарбий Олий судига юборилди. Ўша кезларда Тошкентда Ўзбекистон зиёлиларининг иккинчи қурултойи очилди. Қурултойда мен қатнашмадим, аммо қатнашганлар билан сузлашдим.

Айтишларига, Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби Нуриддин Акромович Муҳидинов қурултойда катта нутқ сўзлаб, шахсга сиғиниш иллатлари устида тўхталиб, отам тўғрисида: “Абдулла Қодирийдек улуг бир ёзувчининг халқ душмани бўлиши ҳеч мумкин эмас”, деди.

Қурултойда иштирок этган кўшним, шифокор Тоҳир Олимжоновнинг айтишича, Муҳидинов юқоридаги сўзини айтганида қувониб кетган халқ қарсақ чалиб юборади ва баъзилар ўқириб йилганан экан. Муҳидиновнинг бу катта нутқи ўша вақтда газеталарда босилиб чиққан ва алоҳида китоб бўли

ЎЙЛАР

Ҳамал юракларга ишқ куртакларини ундирриш илинжида келди. Ижод аҳлининг кўнгли ёришди. Гўзалликка интилган сари қоғозга сўз ёғилаяпти. Эзгуликлар ҳосилини дилларга жо қилгувчи ўтли сўз... Янги шеъри дунё юзини кўрган шоирнинг ҳолатини ҳис қилганмисиз?! Дунёда ундан-да бахтиёрроқ одам бўлмаса керак. Ўзи ва сўзи оламга сигмай қолган лаҳзаларини кўз-кўз қилишга ошиқади.

У кун ишхонада қоғозларни титиб ўтирсам, хонамга сирдарёлик болалар шоири Мўмин Аваз секин, оёқ учида кириб келди. Шу одамга ҳайронман: ёши саксондан ошганига қарамай, ёш болаларга ўхшайди. Ёнида ҳар доим ижод намуналари солинган катта сумка бўлади. Биламан, янги шеър ёзган. Аммо унинг шеърини тинглайдиган одам йўқ. Газетага чоп этадиган мард топилмади. Мўмин одамнинг ижоди кимга ҳам керак? Умр бўйи ёзганларини йиғиб юради. Нафақа пули ҳисобидан бир нечта китобларини номига эллик-юз дона қилиб чиқарган. Қалбида китобимни бир кун келиб, кимдир ўқийди деган ишонч бор. Ўзувчилар уюшмасига аъзо бўлиш орзусида юради. У бир шеър-дида:

Ўқиб, ўқиб ўрганар
Дил, етдим шу ёшгача.
Меҳнат қилсам кўтарар
Юрт ердан кўшгача... —

дея ёзибди. Нима бўлганда ҳам, яхши ният ижобат бўлишини тилаймиз. Оқсоқолга бошдан-оёқ разм соламан. Йиллар уни ҳолдан тойдирган. Пешонасига кимдир мушт туширгандек ғурра пайдо бўлибди.

— Ким билан муштлашдингиз? — дея сўрайман ярми ҳазил, ярми чин оҳанда.

У киши беозоргина пиқирлаб қулиб: — Оилада бир бош молимиз бор, мен уни ҳар кун и етаклаб, ариқлар бўйида айлантариб келаман. Тунов кун и ҳам менга баъзи “дўст”ларим каби ёмонлик қилди. Арконида етаклаб юргандим. Қутилмаганда мени писанд қилмай, судраб кетса денг. Кучим етмай, чирпирак бўлиб қолдим. Аркони учигада қозик қарсиллаб пешонамга урилди. Йиқилиб, ҳушдан кетибман. Бироздан кейин ўзимга келсам, уст-бошим қип-қизил қон эди. Сигиримиздан кўнглим қолди. У эса узоққа бормай, кавш қай-



тариб турган экан. Ёнига бордим, ювош тортиб турибди. Қилган ишидан пушаймон бўлгандек. Унинг кўзларига тик қараб дўқ урдим: “Нима қилиб қўйдинг, ҳайвон? Мен сени шушча эъозлаб юрсам-да, сен бўлса мени шу кўйга солсанг!” У сўзларимни англагандай жим эди. Кўзларига қарасам, кўзлари жиққа ёш, раҳмим келди... Қизик. У бир ҳайвон, мол бўлса. Гапни тушунармиди. Ўзимни юпатиш учун жаҳл устида гапирсам. Бу ҳолни қўриб ҳайрон қолдим.

“Эҳ, Мўмин ота! — дейман ичимда. — Нега сиз бунчалик мўминсиз? Мўмин кишини одамлар қўрқоқ деб ўйлашади. Бўлмаса, ёзганларингиз ҳеч кимдан кам эмас. Сизнинг ярмингизча ёзолмай юрганлар ҳам керилиб юришибди. Ҳар гал болалар наشريда чиққан шеърингизни қўриб, ёш болалар каби қувониб кетасиз. Газетани ўпиб, кўзларингизга суртасиз ва беихтиёр сумкангиздан бир дона қип-қизил олмани олиб, столим устига қўясиз. “Йўғ-э, ота, нима қилаяпсиз?” — десам, “Сирдарё-ники олинг”, — дейсиз. Мана, яна сизнинг бир туркум шеърларингизни “Тонг юлдузи” газета-

сига бердик. Аммо негадир уч ойдан бери қорангизни кўрсатмасдан юрибсиз. Тинчликми-кан?..”

Ҳа, чиндан ҳам ижод аҳлининг кўнгли нозик бўлади. Уларнинг ёзганларини қайсидир бир газеталар бериб турса, савобга қолади. Ахир улар ёмонлик ҳақида ёзишмайди-ку! Гоҳида ўзим ҳам диллимдаги саволларимнинг жавобини тополмай қоламан. Минг шукурки, менинг беҳисоб мухлисларим бор. Улар мендан тинмай шеър сўрашади. Телефон орқали бўлса ҳам юрагимдагини бўшатаман. Бир пайтлар ижодкорларнинг ижодини аҳолига кенг тарғиб қиладиган нашрлар кўп бўлар эди. Далалар бағрида юриб бўлса ҳам почта орқали юборган шеър у мақолаларимиз республиканинг энг нуфузли нашрларида чоп этилганидан бошимиз осмонга етган. Яхши ёзсанг, сенинг кимлигининг фарқи йўқ эди... Бугун сўз эркинлиги берилган давру замонларда яшаяпмиз. Қирқ миллионга қараб бўйлашган халқимизнинг орасида бўлса, минг-икки минг ҳақиқий ижод-кори бордир. Аммо уларнинг адабиёт минбари

қаёқда?! “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”дек газетани сақлаб қолиш шунчалик қийинмиди?!

Менинг болалиқдаги ҳаётимни ўзгартирган китоблар Зулҳаёт олам ўқиб берган Ўлмас Умарбековнинг “Одам бўлиш қийин”, Парда Турсуннинг “Ўқитувчи”, Вали Ғофуровнинг “Вадодор” номли асарлари бўлган, десам, хато бўлмайди. У асарларнинг лаззати умр бўйи юрагимнинг қат-қатида турибди. Ўзбекистон Қахрамони, халқ шоири устоз Абдулла Ориповнинг шеърлари бир майдон газеталарга чикмай қолганини ҳаммамиз биламиз. Шунда мен гўё устозга ғамхўрлик қилгандай, янги тандирдан чиққан нондай тафти баланд Ватан ҳақида ёзилган шеърини газетага чиқара олишганини айтиб, қўлларидан олгандим. Устоз ҳам ишонқирамай уни менга берганди. Ўша кун и устоз менга тўрт марта телефон қилганди. Ҳар бир телефон қилганда шеърга янги фикр қўшилиб, у жилоланарди. Мен шеърни сариқ матбуотда ишлайдиган яқин биродаримга олиб боргандим, у бошини узоқ лиқиллатиб: “Оқсоқолни ҳозир газетага бериб бўлмайди, “зап-

рет”, — дея жавоб берган, унга қанча тушунтирсам ҳам, сўзим ҳавода қолган эди. Устоздан шеърни бекор олган эканман, дея туни билан қийналиб чиққанман. Охири шундай қарорга келдим. Адади энг кўп чиқадиған Сурхондарёнинг энг чекка туманидаги “Сариосиё” газетаси бош муҳаррири Абдурайим Раҳмоновга кўнгирак қилдим. Газетасини роса мақтадим. Бу нашрнинг республикадаям алоҳида ўрни борлигини айтдим. Газетанинг янги сониди Абдулла Ориповнинг туркум шеърлари берилса, янада зўр бўлишини таъкидладим. Абдурайим ака дангалчи одам, сўзимни рад этмади. Кўп ўтмай, “Сариосиё” газетасида Абдулла аканинг туркум янги шеърлари салкам бир бет бўлиб чикди. Мен бир даста газетани олиб Абдулла Ориповнинг ёнига югурдим. Устознинг ўша кундаги қувончини сўз билан ифодалаш қийин эди. У киши беихтиёр: “Дунёда шундай мард муҳаррирлар ҳам бор экан-ку...” деди. Бугун бу сўзларни нега эслаяпман? Мақсадим — сўз заргарларининг сўзига озроқ эътибор қаратиш-дир. Ижодкорларимиз нима ҳақида ёзишдан қатъи назар, у инсоният учун хизмат қиладиган энг ноёб ҳаётий ҳақиқатлардир. Аммо уларнинг ижод қилиши учун қамрови кенг майдонлар кераклигини назарда тутаялман. Тўғри, бугун республикамизда бир қанча оммабоп нашрлар фаолият юратяпти. Айниқса, биз ижодкорлар учун “Ёшлик”, “Шарқ юлдузи”, “Гулистон”, “Саодат”, “Фермер” каби журналлар ҳамда “Халқ сўзи”, “Hurriyat”, “Адабиёт зиёси” “Маърифат” каби газеталар фаолияти қадрлидир. Лекин барибир нима бўлганда ҳам, шоиру ёзувчи, олиму уламоларнинг оламини кенгрок қамраб оладиган кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган нашр етишмаётгани билиниб турибди. Ўйлайман: у газета — ижодкорлар учун эшиклари очик, ошна-оғайничиликдан холи, устоз Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, сўзни қадрлайдиган мард муҳаррири бор даргоҳ бўлиши керак. Чунки ижодкорларнинг кўнгли нозик бўлади. Улар юрагида олган кичкина дард ҳам гоҳо уларга оғирлик қилади. Ҳамма нарсани янгиласа бўлади. Лекин юракни янгилаб бўлмайди. Биз яшаётган янгича давру замон бизнинг юрагимиз учун ҳам масъулдир!

АХТАМКУЛИ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси,
“Шуҳрат” медали соҳиби, шоир.

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

ҚУЛОҚЧИНЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Бугун ҳаётимизни замонавий технология воситаларисиз тасаввур қила олмаймиз. Улар турмуш тарзимизнинг ҳар бир қисмига шу қадар кириб бордики, бугун вақтимизнинг кўпини улар билан ўтказмоқдамиз. Айниқса, алоқа воситалари бўлган смартфонлар, компьютерлар ва қулоқчинлар ажралмас дўстимизга айланган. Шунингдек, бу буюмларнинг кундан-кун янги қиёфа ва афзалликларга эга бўлиб бораётгани ишимизни анча енгиллаштирмоқда. Лекин инсоннинг яшаш тарзини осонлаштириш, узогини яқин қилиш, қулай шароит яратишга қаратилган бу воситалар сўнгги даврларда ҳаёт ва соғлиққа жиддий хавф солаётгани ҳам сир эмас.

Оддийгина қулоқчинларни олинг. Қулоқчинлар — бу бошга кийиладиган ёки тўғридан-тўғри қулоқ каналларига ўрнатиладиган кичик минигарнитуралар ҳисобланади. Бугунги кунда кўпчилигимиз мусиқа тинглаш, телефонда суҳбатлашиш каби ишларимизни бажаришда қулоқчинларга мурожаат қиламиз.

Қулоқчинлар бугунги замонавий кўринишга келгунича деярли уч асрни босиб ўтган. Маълумотларга кўра, биринчи қулоқчин “Electrophone” бўлиб, 1890 йилда Британиянинг йирик компанияларидан бири томонидан ишлаб чиқарилган. Улардан алоқа воситаси сифатида эмас, аксинча, ўз мижозларига Лондон театрларидаги опера ва спектаклларни жонли эфирга узатишда фойдаланишган. Бу воқеадан бир йил ўтиб, француз муҳандиси Эрнест Меркадиер хозирги қулоққа тақилладиган қулоқчинларнинг дастлабки кўринишларини тақдим этган.

Бугун уларнинг русуми ва ташқи кўринишидаги ўзгаришлар смартфонлар билан тенг равишда ривожланмоқда. Дастлаб симли бўлган қулоқчинлар энди масофадан бошқариладиган симсиз кўринишда. Симли қулоқчинлар маълум қурилмага сим орқали улангани билан бир қаторда “FM” радиолари билан ишлашда муҳим ҳисобланади. Шунга қарамай, технологик ривожланиш, замонавийлик талабидан келиб чиқиб, симли қулоқчинлар ўрнини симсиз уланувчи қулоқчинлар эгаллаб бораётир. Энди қўшиқ тинглаш ёки мусиқани алмаштириш учун телефонни очиб шарт эмас, биргина қулоқ-



чин сенсорига тегиш кифоя. Бу бир қарашда кам ҳаракат қилишни қўллаб-қувватловчилар маҳсулотига ўхшайди. Ҳаммаси осон. Қулоқда тураверади, исталган вақтда ўчириб-ёқиш мумкин. Лекин бу қурилмаларни ҳар доим қулоқда, мия тизимига яқин жойда олиб юриш қанчалик тўғри?

Кўча-кўйда ҳар икки одамнинг бирида бугун қулоқчин бор. Қулоқчиндан фойдаланувчиларни, асосан, ёшлар, қисман 35-40 ёшгача бўлган қатлам ташкил этади. Лекин кўпчиликнинг муҳим воситасига айланган симли, симсиз қулоқчинлар инсон саломатлигига жиддий хавф туғдириши мумкин экан. Маълумки, қурилмалар “Bluetooth” тизими орқали бошқарилади. Бу тизим худди микротўқинли печ каби хавфли электромагнит нурланиш манбаига эга. Маълумотларга кўра, электромагнит нурланиш мияга яқин жойда юз беради. Қўллаб мамлакат олимлари эса симсиз қулоқчинлар мия саратонига, унинг жиддий бузилишларига олиб келиши мумкинлигини айтишмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти дунё аҳолисининг 2,5 миллиарди 2050 йилга бориб эшитиш билан боғлиқ муаммоларга дуч кела бошлайди ёки буткул эшитишдан маҳ-

рум бўлишлари мумкин, деб тахмин қилмоқда. Ушбу рақамларнинг 1 миллиарддан ортиғи ёшларга тўғри келиши эса гоят ташвишланарлидир. Бунга сабаб мунтазам қулоқчинларга мурожаат қилиш, баланд овозда мусиқа ёки нутқ тинглаш билан боғланмоқда. Шунингдек, баъзилар қулоқчинлардан шовқиндан халос бўлиш мақсадида фойдаланишади. Бу кучли бош оғриқларига сабаб бўлади.

Қулоқчинлар нафақат саломатликка, балки ҳаётий фаолиятимизга ҳам хавф солиши мумкин. Масалан, автомобиль бошқарувидаги кишининг суҳбатга чалиб кетиши, қулоқчиндан фойдаланиб кетаётган пиеда йўлдан ўтаётганда машина сигнални эшитмаслиги боис, йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқариб, автоҳалокатларга сабаб бўлмоқда.

Тўғри, ҳамма қулайлик истаиди. Лекин у сизнинг эҳтиёжларингиздан кўра соғлигингизга жиддий зарар етказса, бундай қулайликдан кечган маъқул эмасми? Қолаверса, қулоқчин келтирган қулайликдан оладиган фойдамыз ҳам у қадар салмоқли, айтишга арзирли эмас.

Гулнора ШЕРМАТОВА

ЭЪЛОН

“Sovplastital” АЖ акционерлари диққати!

“Sovplastital” АЖ акционерларининг 61,61 фозидан юқори оддий овоз берувчи пакет эгалари ташаббусига кўра ўтказилаётган навбатдан ташқари йилгилиши 2025 йилнинг 2 май кун и соат 15:00 да Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдор кўчаси 29-“а” уйда жойлашган бошқарув биносиди бўлиб ўтади.

Навбатдан ташқари умумий йилгилиш хабарномасини юбориш учун акционерлар рўйхати 2025 йилнинг 4 апрель ҳолатига кўра шакллантирилган.

Навбатдан ташқари умумий йилгилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акционерлар рўйхати 2025 йилнинг 28 апрель ҳолатига кўра тузилган.

Акционерларнинг навбатдан ташқари йилгилиши кун тартиби:

- Навбатдан ташқари умумий йилгилиш регламентини тасдиқлаш.
- Хисоб комиссиясининг янги таркибини тасдиқлаш.
- Қузатув кенгашининг янги таркибини тасдиқлаш.
- Жамият бошқарувининг янги таркибини тасдиқлаш.
- Тафтиш комиссиясининг янги таркибини тасдиқлаш.

Йилгилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш юқориди кўрсатилган манзил бўйича соат 14:00 да бошланади.

Йилгилишда қатнашувчилар паспорт, идентификацион ID-карта ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати, акционерлар вақилларида эса қонуний тартибда тасдиқланган ишончнома бўлиши шарт.

Қўшимча маълумот олиш учун телефон: +998 (97) 404-34-10.

Сведенью акционерам АО “Sovplastital”!

Сообщаем вам, что внеочередное общее собрание акционеров АО “Совпластитал”, проводимое по инициативе акционеров, владеющих в совокупности более 61,61 % пакетом простых именных голосующих акций, состоится 2 мая 2025 года в 15.00, по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 29А, в административном здании.


Повестка дня внеочередного собрания акционеров:

- Утверждение регламента проведения внеочередного общего собрания акционеров.
- Утверждение нового состава счетной комиссии.
- Утверждение нового состава Наблюдательного совета
- Утверждение нового состава Правления общества.
- Утверждение нового состава Ревизионной комиссии.

Регистрация участников собрания будет проводиться с 14.00 по вышеуказанному адресу. При себе иметь паспорт, идентификационную ID-карту или удостоверение личности, а представителям акционеров заверенную в установленном законодательством порядке доверенность.

Справки по телефону: +998 (97) 404-34-10.

РАССОМ ХАНДАСИ



Махмуджон ЭШОНҚУЛОВ чизган карикатура.